*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 138 (6. 329) ◉ 1987 йил 19 июнь, жума ◉ Баҳоси 3 тийин

## ПАРТИЯ САФЛАРИ МУСТАҲКАМЛИГИ УЧУН

**КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «ПАРТИЯГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ПАРТИЯ САФЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ИШИДАГИ ЖИДДИЙ КАМЧИЛИКЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ РЕСПУБЛИКА ПОЙТАХТИ КОММУНИСТЛАРИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА.**

## ДАВР ТАЛАБИ

Кеча матбуотда КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унда жумладан шундай дейилади: **«Партиянинг бугуни ва келажаги бугун Ленин партиясига кимлар аъзо бўлиб кираётганлигига боғлиқ. Одамларнинг қайта қуришга, ошкораликкка, танқид ва ўз-ўзини танқидга, демократияни чуқурлаштириш жараёнига муносабати, буларни рўёбга чиқаришда амалий иштирок этиши партия сафларига киришнинг энг муҳим мезони бўлиши керак. Партия сафларини ҳозир тўлдираётган кишилларда улар революцион ижтимоий ўзгартишларнинг олдинги сафида бораётган коммунистларнинг синалган отрядига қўшилаётганлигидан алоҳида фахрланиш туйғуси тарбияласин».** Бу сўзлар ҳаммамиз учун ҳаракат программаси бўлиб қолмоғи керак.

Участкамиз коллективи билан биргаликда қарор мазмуни билан чуқур танишиб чиқдик. КПСС Марказий Комитетининг партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида областимиз партия ташкилоти адресига билдирган танқидий фикрлари ҳамма қатори бизнинг бошқармамиз ва қолаверса участкамиз қурувчилари учун ҳам тааллуқлидир.

Яширин ўтиришнинг ҳожати йўқ. Партия сафига қабул қилишда Уставни бузиш ҳоллари бизда ҳам содир бўлган. Мана бир ҳаётий мисол. Яқинда бригада бошлиғи коммунист М. Каримовни ишдан олишга тўғри келди. Бошқармада ўтказилган йиғилишда қурувчилар ҳеч тортинмай бригадирнинг нуқсонларини очиб ташлашди, камчиликларини юз-хотир қилмай айтишди. Чиндан ҳам бу коллектив ўртасида интизом бўшашиб кетди. Кўрсаткичлар ой сайин пастлаб борди. Иш сифати ёмонлашди. Объектлар белгиланган муддатида фойдаланишга топширилмай қолди. Бригадир сўнгги марта огоҳлантирилди. Шундан кейин унга Юнусободда бунёд этилаётган тўққиз қаватли турар жой биносини пардоздан чиқариш вазифаси топширилди. Объект муддатидан бир ҳафта ўтиб тайёр бўлди. Бунинг устига комиссия уни қабул қилишдан бош тортди. Чунки кўпчилик пардоз ишлари чала-чулпа бажарилган эди. Объектга А. Сафин бошлиқ бригада аъзолари жўнатилди. Коллектив ўн кун мобайнида объектдаги барча нуқсонларни бартараф этиб, бинони фойдаланишга топширишга муваффақ бўлди.

Йиғилишда бригадир айбига тўла иқрор бўлди. Коллективни бошқара олмай қолганини бўйнига олди. Шу кўни унинг ўрнига Р. Шульдеровани бригадир этиб сайладик. Унинг номзодини қурувчиларнинг ўзлари кўрсатишди.

Хўш, коммунист М. Каримов нега коллектив ишончини қозонмади? Чунки у манманликка берилиб, кўпчиликни менсимай қўйган эди. Ҳозир у қилмишидан пушаймон.

Ўтган йили участкамиз қурувчилари илғор пардозловчи Мария Ивгашевани КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилган эдилар. Бироқ кандидатлик стажини ўташ вақтида М. Ивгашева ҳеч қандай ташаббус кўрсатмади. Бошқаларга ибрат бўла олмади. Ёшларни ўз орқасидан эргаштира олмади. Бир сўз билан айтганда, у кандидатликка қабул вақтида ўз ҳамкасблари билдирган таклиф ва мулоҳазаларга эътиборсизлик билан қаради. Натижада кўпчилик Ивгашевани партия аъзоси деган номга нолойиқ деб топди. Ҳамза район партия комитети ҳам бу таклифни маъқуллади.

Бу мисоллардан коммунистнинг ўз бошланғич партия ташкилоти олдида масъулият ҳиссини сезмаслиги, унинг коллектив эътиборидан қолишига олиб келиши яққол кўриниб турибди. Демак, кимки, ўз коллективи олдидаги масъулиятини унутар экан, у ҳамкасблари ишончини оқламаган бўлади. Буни ҳар бир қурувчи, ҳар бир коммунист ўрганиши керак.

**З. ХУДОЁРОВ,**

**«Главташкентстрой»нинг 1-уйсозлик комбинатига қарашли 1-пардозлаш ишлари бошқармасининг участка бошлиғи.**

## МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Давр қўяётган талаб — моҳияти жиҳатидан долзарблиги билангина эмас, зарурийлиги билан ҳам катта аҳамиятга моликдир. Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш юзасидан умумхалқ кураши авж олган ҳозирги пайтда ҳар бир соҳада сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда. Ишчи-хизматчилар, деҳқон ва зиёлилар янгича яшашга, ишлашга интилишаётир.

Қайта қуриш жойларда ўз самарасини кўрсатмоқда. Шуларни ўйларканман, беихтиёр бу хайрли ишга, биз, коммунистларнинг қўшаётган улуши хаёлимда гавдаланади. Албатта, КПСС аъзоси ҳар бир ишда жонкуяр ва фаол бўлмоғи, олдинги сафларда бормоғи лозим. Бунга интиляпмиз. Аммо партия сафларини мустаҳкамлашдаги камчиликларимиз ҳали-ҳануз бартараф этилгани йўқ. КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш соҳасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида» кеча матбуотда эълон қилинган қарорида партия ташкилотларининг фаолияти бугунги кун талаби даражасида эмаслиги, партия сафларини ўстириш ва мустаҳкамлашда сифат ўзгартишларига эришиш зарурлиги ҳақли равишда кўрсатиб ўтилди. Дарҳақиқат, қуйи партия ташкилотларида қайта қуриш тўла маънода ўз аксини топаяпти, деб бўлмайди. Йиғилишларда коммунистларнинг ҳисоботлари доимо тинглаб борилмаяпти. Бу ишда кўпроқ расмиятчиликка, юзакиничиликка йўл қўйилмоқда. Бунга барҳам бериш учун қарорда таъкидлаб ўтилганидек, КПСС сафига қабул қилиш учун одамларни танлаш, КПСС составини мустаҳкамлаш практикаси ҳар томонлама такомиллаштирилиши, партия сафига қабул қилишда илғор ишчиларга кенг йўл берилиши, бир қанча партия ташкилотларида давом этиб келаётган партияга қабул қилишни тезлаштириш, партия таъсирини кучайтириш ҳақидаги гамхўрликни коммунистлар қатламини оширишга айлантириб юборилганлигини йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол деб ҳисоблаш керак.

**С. ЧИНАЕВ,**

**В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси токари, меҳнат ветерани.**

**21 ИЮНЬ – МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ**

## ЛЕНИНЧА СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

21 июнда мамлакатимизнинг ҳамма жойида халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов ва район (шаҳар) халқ судлари халқ судьяларининг сайлови бўлади. Бўлажак сайловлар маҳаллий давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ишини яхшилаш, социалистик демократияни партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитети январь (1987 йил) Пленуми талаблари руҳида чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, маҳаллий Советлар бошқа ташкилотларга нисбатан меҳнат коллективларига яқинроқ туради, қайта қуришнинг асосий кучи, ҳаракатга келтирувчи, ижодкори бўлган омма ўртасида иш олиб боради. Советлар амалда ҳар куни меҳнат аҳлининг иродасини ифодалайди, партия ва давлатнинг сиёсий йўлини амалга оширади. Барча босқичдаги Советлар қанчалик собитқадамлик билан ҳаракат қилса, режалар шунчалик аниқ натижаларга айланади.

СССРда социалистик революция ва ривожланган социализмнинг қурилиши жараёнида жаҳонда энг демократик сайлов системаси қарор топди. Бу адолатли сайлов системаси депутатларнинг бевосита сайловчилар томонидан сайланиши ва ўз сайловчиларининг ишончини оқламаган депутатларни чақириб олиш ҳуқуқи билан, Советлар мамлакатидаги барча синфлар ва соцнал гуруҳларнинг, барча миллат ва халқларнинг вакиллари кенг иштирок этишини таъминлаш билан, сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш юзасидан олиб бориладиган кўп қирралик ташкилотчилик ишларига ва сайлов тўғрисидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилишда жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашлар коллективларининг актив иштирок этиши билан, депутатликка номзодларни ишчанлик, сиёсий ва ахлоқий сифатларига қараб танлаш; жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари депутатликка номзодларни муҳокама қилиш ва кўрсатишда кенг иштирок этиши билан, сайловларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатларга давлатнинг маблағ ажратиши билан, халқ вакиллиги органларини ташкил этиш соҳасидаги ҳамма ишларда КПССнинг бевосита раҳбарлик роли билан характерланади.

СССРнинг янги Конституцияси Совет давлатининг бутун тарихи давомида қарор топган ва синовдан ўтган совет сайлов системасининг асосий принципларини мустаҳкамлайди. Жумладан, Конституциянинг 95-моддасида бундай дейилади: «Халқ депутатларининг ҳамма Советларига депутатлар сайлаш умумий, тенг ва тўппа-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади».

Сайлов ҳуқуқи бирон-бир давлатнинг демократик давлат эканлигидан далолат берувчи энг муҳим кўрсаткичдир. Социалистик жамиятда бўладиган сайловда овоз бериш — расмиятчилик эмас, балки сайловчиларнинг энг юксак хоҳиш-иродасини яққол намоён қилувчи ҳатти-ҳаракатидир. Овоз берилиши натижасида депутатликка номзод халқнинг ҳокимият органидаги тўла ҳуқуқли вакили, халқ иродаси ва манфаатларининг ифодачиси бўлиб қоладн.

СССРнинг 1977 йилги Конституцияси сайлов системасига муҳим демократик ўзгаришлар киритди. Агар илгари Конституцияга биноан СССР Олий Советига фақат 23 ёшга тўлган шахсларгина, иттифоқдош республикаларнинг Олий Советига 21 ёшга тўлган кишиларгина сайланиш ҳуқуқига эга бўлган бўлсалар, энди янги Конституцияга биноан СССРнинг 18 ёшга тўлган граждапларни СССР Олий Советидан ташқари ҳамма Советларга сайланишлари мумкин. СССР Олий Совети умумдавлат аҳамиятига эга бўлган жуда масъулиятли қарорларни қабул қилиши сабабли бу Советга сайланиш ҳуқуқи 21 ёшдан берилади.

Бу қонда СССР Конституциясининг 96-моддасида бундай ифодаланган: «Депутатлар сайлаш умумийдир:

СССРнинг 18 ёшга тўлган барча гражданлари сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар, ақлдан озганлиги қонунда белгиланган тартибда аниқланган кишилар бундан мустаснодир. СССР Олий Совети депутатлигига 21 ёшга тўлган СССР граждани сайланиши мумкин».

Советларнинг СССР Олий Советидан ташқари барча бўғинларига депутат бўлиб сайланиши учун 18 ёшнинг белгиланганлиги жамиятимиз ва жонажон партиямизнинг ёшлар тўғрисида қилаётган ғамхўрлигининг, уларга бўлган катта ишончнинг яққол намоён бўлишидир.

Совет сайлов ҳуқуқи фақат сўздагина эмас, балки амалда умумий сайлов ҳуқуқидир. У ҳар бир сайловчига унинг Советларга сайлаш ва сайланиш, ўзига берилган ҳуқуқни амалга ошириш учун максимал даражада имконият яратиб беришни таъминлашга ҳаракат қилади.

Партиямиз ҳамиша шунга асосланадики, сайловлар социалистик демократиянинг энг ёрқин кўринишларидан биридир. Мамлакатимизда сайловлар ўзига тегишли ҳокимиятни аввало халқ депутатлари Советлари орқали амалга ошираётган халқ суверен иродасининг бевосита ифодасидир.

(Давоми 2-бетда)

## ЗАМОНДОШИМИЗ



Халқ номзодлари

## ЭЛ ХИЗМАТИДА

Маълумки, Советлар олдида турган катта ва масъулиятли вазифаларни муваффақиятли бажариш биринчи навбатда ҳар бир депутат ўзига топширилган ишни нечоғлик активлик, онглилик ва масъулият билан бажаришга боғлиқдир. Депутат ишлаб чиқаришда самарали меҳнат қилса, унинг ўз сайловчилари ўртасидаги обрў-эътибори ҳам шунчалик катта бўлади, депутатлик фаолияти шу қадар муваффақиятли боради. Бунн маҳаллий Советларга сайланадиган депутатларимиз юракдан ҳис этишлари керак. Чунки улар халқ вакиллари бўлиб, халқ учун хизмат қиладилар.

Шаҳар Совети депутатлигига номзоди кўрсатилган Тошкент марказий телеграфи инженери Абдулла Орипов биз билан бўлган суҳбатда ана шу фикрни баён этди. Демак, коллектив унга катта ишонч билдириб, янглишмаган экан. Ўз навбатида Абдулла Орипов сайлов олдидан катта ҳис-ҳаяжонда эканлигини айтди.

— Бу йилги маҳаллий Советлар ва халқ судларига бўлаётган сайловларнинг ўтишм ўзгача. Биз бу сайловларда чинакам совет демократиясининг тантанасини, халқчиллик ва ошкораликни кўрмоқдамиз. Халқимиз ўзининг энг яхши вакилларини халқ хизматига чорламоқда. Бундай вазифа менинг ҳам зиммамга тушаётганидан ғоят хурсандман. Чунки халқ ишончи — катта бахт.

Коллективда бўлганимизда барча ишчилар бўлажак депутат тўғрисида илиқ фикрларни билдирдилар. Айни пайтда Абдулла Орипов комсомол ишларида фаоллик кўрсатмоқда. Чунончи, у Октябрь район комсомол комитетининг аъзоси сифатида комсомол-ёшлар орасида сиёсий-тарбиявий ишларни ҳам олиб боряпти.

«Меҳнат — кишини улуғлайди». Халқимизнинг бу доно сўзи бежиз айтилмаган. Чунки кишн ҳалол, виждонан меҳнат қилса, обрў-эътибор, қадр-қиммат топади. Коммунизм бунёдкорлари орасида инженер Абдулла Ориповдек замондошларимиз борлигидан фахрланамиз.

СУРАТДА: А. Орипов ва марказий телеграф партия ташкилоти секретари Г. Цогоев (чапда).

В. Молгачев фотоси.

## Тонгги газеталарда

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

«Социалистик қонунчиликни ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашда прокурор назорати ролини ошириш чоралари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети 1987 йил 4 июнда қабул қилган қарорнинг баёни эълон қилинган.

### Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг

навбатдаги мажлиси ҳақида батафсил ҳисобот берилган.

### Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

Андижон область партия комитетининг КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленуми талаблари асосида бошланғич партия ташкилотлари ишини қайта қуриш борасидаги ишлари юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси қабул қилган қарорнинг баёни эълон қилинган.

## ҚАЛТИС ЙЎЛДАН

Қайта қуришга зид

**«ЭТАЛОН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА КЎЗБЎЯМАЧИЛИК, БАЖАРИЛМАГАН ИШЛАРНИ БАЖАРИЛДИ ДЕБ ҚЎШИБ ЁЗИШ ҚАНДАЙ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛДИ?**

Аввалига фактларга мурожаат этайлик. 1987 йил январь ва февраль ойларида «Эталон» бирлашмаси ходимлари ишлаб чиқариш ва товар маҳсулотини реализация қилиш планларининг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботларда 275,7 минг сўм ёки планнинг 37,4 процентн миқдорида қўшиб ёздилар. Йиғилмаган ва синалмаган приборлар ҳам ҳисоботларга киритилавердн. Улар техника контроли бўлими томонидан қабул қилинмаган, Узгосстандарт текшириб чиқмаган эди (қарангки, СССР Госстандарти тасарруфидаги бирлашмада шундай бўлаяпти).

Қалтис йўлнинг бошланишида хавф-хатардан дарак йўқ эди. Аксинча: январь ойининг ўзидагина бирлашма ходимлари асоссиз равишда 31 минг сўм иш ҳақи ва 7 минг сўм мукофот пули олдилар.

Вақти-соати етгунча шундай бўлди.

Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетн қўшиб ёзиш фактларини очиб ташлади. Шуннигдек, «Эталон» бирлашмасида ишлаб чиқарш пухта ташкил этилмаганлиги, штурмчилик ва ҳайбаракаллачилик авжига минаётганн қайд этилди. Маҳсулотнинг 50 процентдан ортиқроғи ойнинг сўнгги 2—3 кунн ичида тайёрланаяпганлари ишчанлик, сиёсий ва ахлоқий сифатларига қараб танлаш; жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари депутатликка номзодларни муҳокама қилиш ва кўрсатишда кенг иштирок этиши билан, сайловларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатларга давлатнинг маблағ ажратиши билан, халқ вакиллиги органларнни ташкил этиш соҳасидаги ҳамма ишларда КПССнинг бевосита раҳбарлик роли билан характерланади.

СССРнинг янги Конституцияси Совет давлатининг бутун тарихи давомида қарор топган ва синовдан ўтган совет сайлов системасининг асосий принципларини мустаҳкамлайди. Жумладан, Конституциянинг 95-моддасида бундай дейилади: «Халқ депутатларининг ҳамма Советларига депутатлар сайлаш умумий, тенг ва тўппа-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади».

Сайлов ҳуқуқи бирон-бир давлатнинг демократик давлат эканлигидан далолат берувчи энг муҳим кўрсаткичдир. Социалистик жамиятда бўладиган сайловда овоз бериш — расмиятчилик эмас, балки сайловчиларнинг энг юксак хоҳиш-иродасини яққол намоён қилувчи ҳатти-ҳаракатидир. Овоз берилиши натижасида депутатликка номзод халқнинг ҳокимият органидаги тўла ҳуқуқли вакили, халқ иродаси ва манфаатларининг ифодачиси бўлиб қоладн.

СССРнинг 1977 йилги Конституцияси сайлов системасига муҳим демократик ўзгаришлар киритди. Агар илгари Конституцияга биноан СССР Олий Советига фақат 23 ёшга тўлган шахсларгина, иттифоқдош республикаларнинг Олий Советига 21 ёшга тўлган кишиларгина сайланиш ҳуқуқига эга бўлган бўлсалар, энди янги Конституцияга биноан СССРнинг 18 ёшга тўлган граждапларни СССР Олий Советидан ташқари ҳамма Советларга сайланишлари мумкин. СССР Олий Совети умумдавлат аҳамиятига эга бўлган жуда масъулиятли қарорларни қабул қилиши сабабли бу Советга сайланиш ҳуқуқи 21 ёшдан берилади.

Бу қонда СССР Конституциясининг 96-моддасида бундай ифодаланган: «Депутатлар сайлаш умумийдир:

СССРнинг 18 ёшга тўлган барча гражданлари сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар, ақлдан озганлиги қонунда белгиланган тартибда аниқланган кишилар бундан мустаснодир. СССР Олий Совети депутатлигига 21 ёшга тўлган СССР граждани сайланиши мумкин».

Советларнинг СССР Олий Советидан ташқари барча бўғинларига депутат бўлиб сайланиши учун 18 ёшнинг белгиланганлиги жамиятимиз ва жонажон партиямизнинг ёшлар тўғрисида қилаётган ғамхўрлигининг, уларга бўлган катта ишончнинг яққол намоён бўлишидир.

Совет сайлов ҳуқуқи фақат сўздагина эмас, балки амалда умумий сайлов ҳуқуқидир. У ҳар бир сайловчига унинг Советларга сайлаш ва сайланиш, ўзига берилган ҳуқуқни амалга ошириш учун максимал даражада имконият яратиб беришни таъминлашга ҳаракат қилади.

Партиямиз ҳамиша шунга асосланадики, сайловлар социалистик демократиянинг энг ёрқин кўринишларидан биридир. Мамлакатимизда сайловлар ўзига тегишли ҳокимиятни аввало халқ депутатлари Советлари орқали амалга ошираётган халқ суверен иродасининг бевосита ифодасидир.

(Давоми 2-бетда)

Ишлаб чиқаришга паст савияда раҳбарлик қилганлиги, иш сифати устидан назорат қонунқарсизлиги, план интизомини бузганлиги, принципсизлиги учун ишлаб чиқариш-диспетчерлик бўлимн бошлиғи А. Подкопоева учет карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилиндн.

Техника контроли бўлимн ишини бўш йўлга қўйганлиги, нокомплект ва сифатсиз маҳсулотни муntазам қабул қилиб келганлиги учун техника контроли бўлимн бошлиғи А. Мавлонқориева учет карточкасига ёзиш шарти билан виговор берилдн.

Маъмурият фаолнятн устидан етарли назоратни таъминламаганлиги, қўшиб ёзиш, давлатни алдашга йўл қўйган коммунист-раҳбарларга нисбатан ўз вақтида принципнал чоралар кўрмаганлиги, ана шу соцнал хатарлн иллатнинг рўй беришига йўл қўйиб берганлиги учун бошланғич партия ташкилоти секретарн А. Цибулинга қаттиқ виговор эълон қилиндн.

Район партия комитетн бюроси молиявий интизомнн бузганлиги, қўшиб ёзишлар, қонунга хилоф тарзда иш ҳақи ва мукофотлар тўлаганлигни учун бирлашма бош бухгалтерн З. Нишонбоеванн вазифасидан бўшатишнн талаб этдн.

Райком бюроси қўшиб ёзишларга алоқадор бнр қатор мансабдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилганликларнни инобатга олдн.

Район прокуратурасига «Эталон» бирлашмасининг қўшиб ёзишлар ва давлатни алдашга йўл қўйган, ўз вазифасига жинояткорона совуққонлнк билан муносабатда бўлган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортнш топшнрилдн.

Район партия комитетн бюроси район корхоналарн ва ташкилотларида ҳисобот маълумотларининг тўғри ёкн нотўғрилигнни чуқур текширувдан ўтказнш ҳақида топшнрнқ берди.

Мазкур масала юзасидан райком бюроси қарорнни райондаги моддий ишлаб чиқарнш соҳасида банд бўлган коллективларнинг бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилиб чиқиш мақсадга мувофиқ деб топилдн.

Шуни қўшимча қилиш мумкинки, Узбекистон Компартняси Марказий Комитетн бюроси «Эталон» бирлашмасн бош директорн Т. Шарофхўжаевнинг партиявий жавобгарлигн масаласнни у соғайиб чиққанидан кейин қараб чиқишни Тошкент шаҳар партия комитетига топширди.

### Телетайп лентасидан

**● ПРАГА**

Чехословакиянинг энг кўркам жойларидан бири —шарқий Словакия областидаги «Словакия жаннати»да жойлашган «Подлесок» автокемпингида бугун бошланган ва беш кун давом этадиган XXI Халқаро «Дружба» учрашувида социалистик мамлакатлар—Совет Иттифоқи, Венгрия, ГДР, Польша ва Чехословакиядан минглаб туристлар қатнашади.

Учрашув қатнашчилари Совет Армияси жанг қилган ерлар, партизан шон-шуҳрати жойлари бўйлаб пиёда сафар қиладилар, областнинг диққатга сазовор жойлари, тарихий ёдгорликлари билан танишадилар.

**● ПАРИЖ**

14 июнь куни Парижда бўлиб ўтган қуролсизланиш тарафдорларининг миллий учрашуви муваффақияти Франция халқи қурол-яроғларни камайтириш ва ядро синовини тўхтатиш орқали хавфсизликни таъминлаш ғояси тарафдори эканлигини кўрсатди. Бугун фан ва маданият арбобларининг «Юзлар даъвати» ташкилоти урушга қарши ташкилотининг «Юманите» газетасида эълон қилинган баёнотида ҳам шу ҳақда гап боради. Бу ташкилот тинчлик тарафдорларининг мана шу оммавий намойиши ташаббускори бўлди.

**● ГАВАНА**

Сальвадордан олинган хабарларга қараганда, «Рамон Бельосо» жазо батальонидаги каллакесарлар навбатдаги қонли жиноят қилдилар. Улар Фарабундо Марти номли Миллий озодлик фронти партизанларининг дала госпитали жойлашган Серро-Бланко қишлоғига ўтган душанба куни бостириб кириб, ҳамма яралорлар ва медицина ходимларини асир олдилар, деб хабар қилди қўзғолончиларнинг «Венсеремос» радиостанцияси. Икки кун ўтгандан кейин ана шу госпиталда даволанаётган тўрт партизаннинг ўлиги топилди.

**● ОТТАВА**

Монреалдаги граждан авиацияси халқаро ташкилоти — Икаода Валерий Чкалов, Александр Беляков ва Георгий Байдуковдан иборат совет учувчилари экипажи СССР — АҚШ маршрути бўйлаб Шимолий Қутб устидан қўнмасдан учиб ўтган кунннинг 50 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Икао бош секретари Ив Ламбер, ана шу халқаро ташкилот кенгашининг аъзолари ва хизматчилари тарихий воқеа ҳақидаги ҳужжатли фильм ва фотокўргазма билан танишдилар.

**● ПЕКИН**

Хитой граждан авиацияси бош бошқармасига қарашли «Боинг-737» самолёти Фучжоу аэродромига қўнаётиб, Хитой Халқ-бий-Ҳаво кучларининг қирувчи самолёти билан тўқнашиб кетди.

Синхуа агентлигининг хабар беришича, самолётга шикаст етказилганлигига қарамай, «Боинг—737»нинг учувчиси аэродромга қўнишга муваффақ бўлган. Тўқнашув натижасида граждан авиацияси самолётининг пассажирларидан бири жароҳатланган ва госпиталга ётқизилган, қирувчи самолётнинг учувчиси ҳалок бўлган. Самолётларнинг тўқнашув сабаблари текширилмоқда.

(ТАСС).

# ЛЕНИНЧА СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

СССР Конституциясида кўзда тутилганидек, маҳаллий Советларга сайлов ўтказиш ҳар бир иттифоқдош республика қонунлари билан ҳам белгиланади.

СССРда сайлов ҳар доим сайловчиларнинг ғоят юксак активлиги билан ўтади. Ҳеч бир капиталистик давлатда сайловчилар сайловда бунчалик актив қатнашмайдилар. Республика маҳаллий Советларига сайлов тўғрисидаги қонун ҳар бир сайловчининг сайловда қатнашуви учун реал имкониятларни таъминловчи гарантияларни мустаҳкамлабгина қолмасдан, шу билан бирга уларни анча кенгайтиради. Буларнинг ҳаммаси унинг демократик табиатидан келиб чиқади. Маҳаллий Советларга сайлов ўтказиш тартиби тўлиқ сақланган. Янгилик шундан иборатки, тажриба тариқасида биринчи марта айрим маҳаллий Советларга кўп мандатли сайлов округлари орқали сайлов ўтказилади.

Маълумки, бу гал демократик негизларни тағин ҳам мустаҳкамлаш, аввалги сайловларимизда кўзга ташланган расмиятчилик, тадбирларни қалаштириш ҳолларига барҳам бериш мақсадида сайлов мавсумининг барча босқичларига даҳлдор қонунларга ўзгаришлар киритилди. Масалан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1987 йил 11 мартда қабул қилган Фармонига асосан «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонунига 17 та муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Чунончи, олдинги йиллардан фарқли ўлароқ округ ва участка сайлов комиссиялари составига маҳалла, кўча, квартал, уй-жой комитетлари, хотин-қизлар кенгашлари, уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашларидан вакиллар кўрсатиш мумкин. Сайловчилар рўйхатларига донр ишларда участка сайлов комиссияларининг функциялари кенгайтирилади. Номзодлар фақат меҳнат коллективларининг умумий йиғилишларида эмас, балки цехлар, бўлимлар, сменалар, бригадалар, участкалар, истиқомат жойларидаги гражданларнинг йиғинларида ҳам кўрсатилади. Шунингдек, сайлов якунларини ҳисоблаш вақтида маҳалла комитети, кўча, квартал, уй комитетлари, хотин-қизлар кенгашларининг вакиллари иштирок этишга ҳақлидир.

Халқ давлат ҳокимиятини тўла амалга оширишга восита бўлувчи социалистик демократиянинг хилма-хил шакллари ва формалари қаторида Конституцияга биноан СССРнинг сиёсий негизини ташкил этувчи халқ депутатлари Советлари бошқолини ўйнайди. Социалистик демократия системасида, бутун давлат механизмида бундай масъулиятли ва фахрли ўринни Советлар ишғол қилади.

Ҳақиқатан ҳам, халқ депутатлари Советлари шундай бир ўзакни ташкил этадики, бу ўзак бутун давлат аппаратининг тузилиши ва йўналишини белгилайди. В. И. Ленин Советларнинг энг демократик органлиги тўғрисида гапириб, бу — ҳамма учун очиқ, ҳар нарсани омма кўз ўнгида қиладиган, омма учун қулай бўлган, бевосита оммани нинг ўзидан келиб чиқадиган ҳокимият, халқ оммасини ва унинг иродасини тўғридан-тўғри ва бевосита ифода қиладиган органдир, деб таъкидлаган эди.

Коммунистик партия раҳбарлигида совет халқи ўз давлат ва мамлакатининг ҳақиқий хўжайинидир. Партия омма сиёсий ва ижтимоий фаолиятининг турли демократик формаларини тобора кенгайтириб, такомиллаштирмоқда, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ишларига меҳнаткашларни жалб этишда янги усул ва методлардан фойдаланмоқда, омманинг жамиятни бошқаришдаги активлигини янада кучайтириш учун курашмоқда.

Партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг январь (1987 йил) Пленуми совет жамиятини сифат жиҳатидан янада юксак поғонага кўтариш стратегияси ва тактикасини белгилаб берди. Ҳақиқатан ҳам социалистик демократияни такомиллаштирмай, чуқурлаштирмай туриб, омманинг жонли, ижодий активлигини оширишга, уларни жамоат ҳаётига онд масалаларни ҳал этишга амалда жалб қилиш ва инсон омилининг тўла куч билан намоён бўлишига эришиш қийин. Январь Пленумида сайлов системасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилганлигининг боиси ҳам шунда. Сайловчилар сайловолди кампаниясининг ҳамма босқичларида бевосита ва самарали иштирок этишлари керак.

Совет сайлов системасида демократик асосларни янада мустаҳкамлаш, расмиятчилик ва бюрократизм кўринишларига барҳам бериш мақсадида сайловолди кампанияси босқичларидаги тартиб-қоидаларга ўзгаришлар киритилди. Жумладан, округ ва участка сайлов комиссиялари составига аввалги йиллардан фарқли ўлароқ маҳалла, кўча, квартал, турар-жой комитетлари, хотин-қизлар ҳамда уруш ва меҳнат ветеранлари советлари вакилларини киритиш мумкин.

Бизнинг мамлакатимизда ҳокимият, унинг маҳаллий органлари халқ томонидан сайланади. Совет сайлов системаси дунёда энг эркин демократик асосда тузилган бўлиб, унда халқ хоҳиш-иродаси ўз қонуний ифодасини топган. Ҳар бир совет граждани сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга.

Галдаги сайловлар, очиғини айтадиган бўлсак, камчиликларни тугатиш, ютуқларни кўпайтириш, муназзам чўққиларни эгаллашга қаратилган режаларни белгилаш кўригига айланади. Бизнинг сайловларимиз амалда энг демократик, энг одилона, энг халқпарвардир. Унга доҳиймиз Владимир Ильич Ленин асос солган, Коммунистик партия ривожлантирган, такомилига етказган. Бу СССР Конституциясида, Советлар, сайловлар ҳақидаги қонунларда муфассал акс эттирилган. Ҳозирги мавсумда ана шу ҳужжатлар билан бир қаторда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида» 1986 йил июлда қабул қилган қарори ижросини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга.

Сайлов кампанияси Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига тайёргарлик кўрилаётган бир даврда якунланмоқда. Октябрь ғоялари мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларга асос қилиб олинган. Социализмнинг ютуқларини далиллар билан кўрсатиб бериш, ҳақиқат позициясидан туриб пропаганда олиб бориш, омма ташаббусини ривожлантириш керак. Бўлажак сайловлар совет кишиларининг меҳнат ва сиёсий фаолиятини оширишда, уларнинг куч-ғайратларини шу йил ва умуман беш йиллик план топшириқларини сўзсиз бажаришга қаратишда сафарбар этувчи роль ўйнаши лозим.

Энди район (шаҳар) халқ судлари халқ судьяларини сайлаш тўғрисида икки оғиз сўз. Шуни назарда тутиш керакки, халқ судларини сайлаш тўғрисидаги қонунчиликка ҳам тегишли қўшимчалар киритилган. Масалан, «Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судьяларини сайлаш тўғрисидаги қонун», «Сайлов комиссиялари составига вакиллар кўрсатиш» (26-модда), «Сайлов комиссиялари ишининг ошкоравийлиги» (33-модда), «Овоз беришни ўтказиш» (46-модда), «Сайлов участкасида овозларни ҳисоблаб чиқиш» (48-модда), «Округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш» (50-модда), «Халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказиш тартиби» (58-модда) тўғрисидаги моддаларга киритилган қўшимчаларда халқ судларини сайлашни янада демократлаштириш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда кенг жамоатчиликнинг актив қатнашишига эришиш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Мисол тариқасида қонунга киритилган қўшимчаларни кўрсатиш мумкин: «...участка сайлов комиссиялари составига вакиллар жамоатчи маҳалла, кўча, квартал, уй комитетлари, хотин-қизлар кенгашлари, уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашлари томонидан кўрсатилади» (26-модда); «Овозларни ҳисоблаб чиқиш вақтида жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективларидан жамоатчи маҳалла, кўча, квартал, уй комитетлари, хотин-қизлар кенгашлари, уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашларидан вакиллар ҳозир бўлишга ҳақлидирлар». Бу янги қўшимчалар социалистик демократия ва умуман совет сайлов системаси такомиллашаётганлигидан далолат беради.

Шубҳа йўққи, 21 июнда бўлиб ўтадиган сайловлар КПСС XXVII съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун курашда Ўзбекистон, шу жумладан унинг пойтахти Тошкентда ишчилар синфи (ва колхозчилар), халқ зиёлиларининг меҳнат, сиёсий ва маънавий активликларини янада юксалтиришнинг қудратли омили бўлади.

К. КОМИЛОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институтининг давлат ҳуқуқи ва совет қурилиши сектори мудири.



Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг шонли 70 йиллиқ юбилейини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш тараддудида зарбдорчасига ишлаётган Мунаввар Боситхонова қувончли ютуқларга эришмоқда. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг бу илғор тўқувчиси бир йўла учта дастгоҳни бошқариб, смена нормасига қўшимча 40 процент маҳсулот тайёрламоқда.

СУРАТДА: коммунистик меҳнат зарбдори, коммунист тўқувчи Мунаввар Боситхонова иш устида.

## Институтда учрашув

Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтида Чилонзор районининг 8-сайлов участкаси ишлаб турибди. Агитпунктга институт партия ташкилоти раҳбарлик қиляпти. Сиёсий тарғибот ишларига профессор ўқитувчилардан 41 нафари жалб этилган. Улар «Чилонзор» маҳалласининг Муқимий, Журнальная, А. Қодирий номли кўчаларида истиқомат қилувчи 1495 нафар сайловчи ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

Куни кеча агитпунктда депутатликка номзодлар билан учрашув бўлди. Учрашув ўтадиган залга студентлар ва институт ўқитувчилари бажонидил тўпланишди.

Учрашувда 440-сайлов округидан шаҳар Совети депутатлигига номзод, институт ректори, филология фанлари доктори, профессор Жамолиддин Бўронович Бўронов ва Чилонзор район Совети депутатлигига номзод, институтнинг немис тили факультети 2-курс талабаси Елена Васильевна Масликовалар ҳозир бўлишди.

Номзодларнинг ишончли вакиллари сўзга чиқиб, уларнинг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги, камтарлиги ва бошқа фазилатларини таъкидлаб ўтдилар.

Сайловчилардан Неъмат Мирзаев «Чилонзор» маҳалласининг аҳолиси номидан гапириб, баъзи кўчаларни янгитдан асфальтлаш, 30 йил илгари қурилган кичик диаметрли водопровод қувурларини катта диаметрли қувурлар билан алмаштириш ва ободонлаштиришда ёрдам кўрсатишни бўлажак депутатлардан сўради. Абдулла Қодирий кўчасининг 1-тупигида яшовчи аҳоли номидан Муҳаррам Раҳматуллаева сўз олиб, уйларига газ ўтказилмаганлиги туфайли ҳар йили қишда қийналаётганликлари ҳақида гапирди. В. Суворов эса ўз нутқида «ВЛКСМ 40 йиллиги» номли маданият ва истироҳат боғидаги кўлнинг санитария ҳолатини яхшилаш учун чора-тадбирлар кўриш зарурлигини айтди.

Институт тайёрлов бўлими тингловчилари Н. Тошқулова, С. Ҳожиев ҳамда профессор-ўқитувчилар номидан инглиз тили кафедраси мудири, филология фанлари кандидати З. Тўхтахўжаевалар эътиборни институтнинг немис тили факультетини тугатиб, ҳозир Чилонзор район Советининг депутати бўлаётган Елена Масликовага қаратишди.

Учрашув сўнггида Ж. Бўронов ва Е. Масликовалар кўтарилган муаммоларни ҳал этиш учун бутун имкониятларини ишга солажаклари билдирдилар.

К. ЖУМАНИЁЗОВ,
институт катта ўқитувчиси.

Куйбишев районидаги 71-ўрта мактаб қошида жойлашган 15-сайлов участкасида шу кунгача 21 июнда маҳаллий Советларга бўлиб ўтадиган сайловларга пухта ҳозирлик кўрилди. Агитпункт агитаторлари жойларда бўлишиб, сайловчилар билан лекция ва суҳбатлар ўтказдилар. Энди эса мамлакатимиз халқлари ҳаётидаги бу муҳим воқеани юксак уюшқоқлик билан ўтказиш тадбирлари белгиланмоқда.



СУРАТДА: агитаторлардан Э. Юнусов, Р. Гороховская, С. Рустамов, А. Султонов, В. Андреев ва А. Жуковлар навбатдаги вазифалар тўғрисида ўзаро фикрлашиб олмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

# ЭЛ ИШОНЧИ



## АГИТАТОР

Шу кунларда бу ёш педагог ҳаяжонли дақиқаларни бошидан кечирмоқда. Унинг делегат сифатида ВЛКСМ XX съездида қатнашиб, бой таассуротлар билан қайтганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Абдуворис Абдуқодиров ёшлар анжуманидан олган таассуротларини билим юрти талабалари билан ўртоқлашибгина қолмай, мамлакатимиз халқлари ҳаётидаги яна бир муҳим воқеа — 21 июнда маҳаллий Советларга ҳамда халқ судларига бўлиб ўтадиган сайловларга пухта тараддуд кўрмоқда. Абдуворис Чилонзор районидаги 442-сайлов округининг 10-участкаси сайлов комиссияси аъзосидир. У ўзи меҳнат қилаётган Н. Крупская номидаги педагогика билим юрти биносида жойлашган сайлов участкасини жиҳозлашда фаоллик кўрсатди. Энди эса агитатор сифатида ёш сайловчилар билан иш олиб бормоқда.

Х. ЖАББОРОВ.

СУРАТДА: Абдуворис Абдуқодиров сайлов участкасида навбатчилик қилмоқда.

Автор фотоси.

Усмон Юсупов ва Навоий кўчалари чорраҳасида трамвай тўсатдан тормоз берди. Салонда ғала-ғовур кўтарилди, йўловчиларнинг баъзилари ҳайдовчига луқма ташлашди. Давлат автоинспекцияси ходими хавфли ҳалокат олдини олган трамвай бошқарувчисига бир боқиб, кўча ҳаракати қоидасини бузган мотоцикл ҳайдовчисига тўхташни ишора қилди. Ҳозиргина норози бўлиб турган йўловчилар воқеага тушунгач, ҳайдовчининг ҳушёрлигига қойил қолдилар.

Бу воқеа Қорақамиш массиви — Образцов кўчаси оралиғида ҳаракат қилаётган 10-маршрутдаги 1269-номерли трамвай йўлида содир бўлди.

Ўз ишининг моҳир устаси Роҳатой Эргашева гавжум шу маршрутда йўловчилар манзилини яқин қилиб келяпти. У 15 километрли масофани ҳаракат графигига амал қилган ҳолда эҳтиёткорлик билан босиб ўтади. Бир кунда 1200—1300 йўловчини манзилига элтади.

...Роҳатойнинг савдодан кетиб трамвай ҳайдовчилик курсига ўқишга кириши дугоналарини лол қолдирди. Қизиқ, бу икки касб бутунлай бир-бирига зид. Харидорларнинг ноёб молларни ялиниб ёлвориб сўрашлари қайдаю, йўловчиларнинг трамвай кечикиб келганда ҳайдовчини худди чўқиб олгудек қарашлари қайда? 27 ёшли Роҳатой курсантлар билан тезда «тил» топишиб кетди. Орланиб ўтирмади. Аварияси юрувчилар мастери Баҳодир Салимов унга устозлик қилди.

Интилганга толе ёр, дейишади, Р. Эргашева учраган барча қийинчиликларни мардона енгди. Ой сайин, квартал сайин ўз ишида малака орттира борди. Ҳамкасб дўстлари билан мусобақа асосида ишлаб, аҳолига намунали хизмат кўрсатишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. 10-трамвай маршрутини Ишчилар шаҳарчасидан 1-Қорақамиш массивигача узайтиришда. маршрут графигини тузишда фаол қатнашди.

Роҳатой ҳар йили 10—12 нафар ёшга трамвай ҳайдаш сирларини ўргатади. Собиқ шогирдлари С. Содиқов, Н. Иброҳимов маршрутнинг илғор ҳайдовчилари В. Кобелин, Н. Набиев, Х. Холматов, С. Головутдиновлар сафидан ўрин олди. Уларнинг ягона мақсади 1-трамвай депоси коллективи қабул қилган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига ўз ҳиссаларини қўшишдир. Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига пландан ташқари 500 минг аҳоли манзилини яқин қилиш, йўловчилар ташиш таннархини 3 процентга камайтириш, ҳаракат мунтазамлигини 93,5 процентга кўтариш, «Намунали хизмат кўрсатувчи маршрут» фахрли номини қўлга киритиш, вагонларнинг техник нуқсонлар сабабли йўлдан қайтиб келишини 14 процентга камайтириш, 26 та рационализаторлик таклифини тадбиқ этиб, 12 минг сўм иқтисод қилиш ҳар бир трамвайчининг кундалик шиорига айланди.

1-класс трамвай ҳайдовчиси Р. Эргашева фидокорона меҳнати туфайли шуҳрат қозонди. Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига олган мажбуриятини бажариб, икки йиллик йўловчилар ташиш планини адо этди. Роҳатойнинг бу муваффақиятидан ҳамкасблари ҳам, қувониб, ҳайдовчи изидан боришга интилмоқдалар.

Роҳатой Эргашева номзоди Тошкент шаҳар Совети депутатлигига Киров районидаги 61-сайлов округидан кўрсатилди. Биз унга қуйидаги савол билан мурожаат қилдик:

— Роҳатой, номзодингиз кўрсатилганидан мамнунмисиз?

— Албатта, оддий трамвай ҳайдовчисига билдирилган бу юксак ишонч совет гражданларининг гарантияланган ҳақиқий эркинлиги ва тенг ҳуқуқлилигидан далолатдир.

— Режаларингиз қандай?

— Қайта қуриш транспорт ходимлари олдига ҳам катта талаблар қўйди, — деди у жиддий оҳангда. Жумладан, маршрут ҳисоботи коллектив йиғилишида муҳокама этилиши натижасида ремонтчиларнинг иш унуми ва сифати ошди. 2-Қорақамиш массиви аҳолисига трамвай хизматини яхшилашда яна бир муаммо бор. У ҳам бўлса 10-трамвай маршрутини шу массивгача узайтиришдир. Шу менга тинчлик бермаяпти. Бунинг учун биринчи навбатда янги подстанция қуриш керак бўлади.

Р. Эргашева мана шу тинниб-тинчимаслиги, эл иши учун жонкуярлиги учун ҳам катта ишончга сазовор бўлди.

Ф. АБДУРАҲИМОВ,
Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бирлашмаси кўп нусхали «Мотор» газетасининг редактори.

# Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

# РЕЙГАН ТЕЛЕВИДЕНИЕ ОРҚАЛИ СЎЗЛАДИ

ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Рейган душанба куни телевидение орқали гапириб, етти етакчи капиталистик давлат раҳбарларининг Венециядаги кенгаши ҳамда шундан сўнг НАТО кенгашининг Рейкьявикда бўлиб ўтган ташқи ишлар министрлари иштирокидаги сессияси якунлари юзасидан баёнот берди. Президент Венеция учрашувини «муваффақият» қилиб кўрсатишга уринди, бу эса Ғарб иқтисодчилари ва матбуоти бераётган баҳога мос келмайди. Венецияда қабул қилинган қўшма ахборот, деб таъкидлайди, жумладан, Ассошиэйтед Пресс агентлиги, «ноаниқ ваъдалардан иборат бўлиб, унда экономикада кучайиб бораётган янги турғунлик хавфининг олдини олишга қаратилган ҳеч қандай аниқ ҳаракатлар йўқ».

Президент Вашингтон Форс кўрфазидаги ишларга аралашишни кучайтириш юзасидан бошлаган йўлни ўзгартирмоқчи эмаслигини аниқ айтди. Рейганнинг тасдиқлашича, АҚШ иттифоқчилари Қўшма Штатларнинг ана шу сиёсатини қўллаб-қувватлаганлар, бу ҳам фактларга зиддир. Ҳамма кузатувчилар, шу жумладан хабардор «Ю. С. Ньюс энд Уорлд рипортаж» журнали Оқ уйнинг бошлиғи маъмурият Форс кўрфазида АҚШ ҳарбий денгиз кучлари қудратини ошириш ва региондаги мамлакатлар шаънига очиқданочиқ дўқ қилиш йўли билан ўтказаётган кескинликни кучайтириш сиёсатини қўллаб-қувватлаб, реал чоралар кўришга иттифоқчиларининг розилигини ололмаганлигини якдиллик билан қайд этдилар.

Сўнгра Рейган Натога аъзо бўлган мамлакатлар министрларининг учрашуви ҳамда Европадаги ўртача олислик ракеталари хусусида Совет—Америка музокараларига тўхталиб, АҚШ ва унинг иттифоқчилари музокараларда Америка позицияси хусусида «тўла якдилликка эришдилар» деди, унинг сўзларига қарағанда, бу якдиллик ўртача олислик ракеталарини қисқартириш тўғрисида тарихий шартнома тузишга олиб келиши мумкин. Президент АҚШ Женевада «ўртача олислик ракеталарини кўп даражада қисқартириш пировард натижада эса, умид қиламизки, уларни тугатиш» билан бир вақтда барча Америка ва Совет оператив-тактик ракеталарини кенг кўламда тугатиш юзасидан «янги таклифлар» киритмоқчи эканлигини маълум қилди.

Бироқ Рейган Ғарбий Германия бундесвери қуроллантирилган «Першинг—1А» оператив-тактик ракеталарига Американинг ядровий жанговар каллаклари тўғрисидаги масала хусусида ҳеч нарса демади.

АҚШ президенти ўз нутқида советларга қарши бир қанча қўпол хуружлар қилди.

УҚИНГ, ҚИЗИҚ

# Тўй сафари саҳрода

**ЛОНДОН.** Келин-куёв инглиз Майкл Эшер билан италъян Мария Антуанетта Перунинг «тўй сафари» 271 кун давом этди. Улар сафарни Сицилиянинг серқуёш пляжларида эмас, балки... Саҳрои Кабирда ўтказдилар. Эр-хотин дунёда энг катта чўлни Мавританиядаги Чингуэтти воҳасидан Мали, Нигер, Чад ва Судан орқали Мисрдаги Нил дарёсигача кесиб ўтдилар. Майкл ва Мария Антуанетта сувсаб ўлишларига оз қолди, уларни сиртлонлар таъқиб этар, тунаш учун тўхтаган жойларини қуршаб олардилар.

«Тўй сафари ана шундай ғаройиб тарзда ўтиб, эсда қоладиган бўлди, деб ҳикоя қила бошлади М. Эшер. — Кўпинча ҳафталаб бирон кимсани учратмасдик. Қирқ даражали жазирама эди. Биз муздек лимонад сувни, ҳўл меваларни тез-тез орзу қилардик. Шулар ҳақида ўйлайвериб кўзимиз тиниб кетарди. Сувимиз айниб қолганида сувсаб ҳалок бўлмаслик учун уни ҳозиргина Римдан келтиришди, деб ўзимизни ишонтирардик. Чад мамлакатида мамлакат бўйлаб сафар қилишга рухсатномамиз йўқлигидан бизни полиция ушлади. Тегишли ҳужжатларни олгач қарасак, ҳаракат усули — яъни туяда юриш унда белгилаб қўйилмаган экан. Шундай қилиб, сафарни пиёда давом эттиришга мажбур бўлдик. Мисрда бизни яна қамашди. Полициянинг тушунтиришича, Судан — Миср чегарасидан пиёда ўтиш мумкин эмас экан. Барча қийинчиликлар ва жудоликларга қарамай, таассуротларимиз кўп бўлди. Шулар ҳақида китоб ёзамиз».

Эшер билан Перунинг саёҳат қилиш эҳтиросларини Африканинг жазирамаси ҳам, Харматаннинг гармселлари ҳам қўрқита олмади. Келаси йил эр-хотин Австралияга бориб, туя пойгасида қатнашишмоқчи.

«Ғалаба қозонишимизга кўзим етиб турибди, — деди Майкл. — Бу «ралли»да ютиб чиқмоқ учун туяни жуда яхши билиш керак. Саҳрои Кабирда ана шу қайсар, ўзига хос турқи-тароватли ҳайвоннинг бутун феъл-атворини етарлича яхши ўрганиб олдик, деб ўйлайман».

# ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

**● ДЕҲЛИ**

Ҳиндистон пойтахтида қаттиқ ҳавфсизлик чора-тадбирлари жорий этилди. Бу ерда тарқатилган расмий хабарга кўра, кечадан бошлаб етти кун мобайнида шаҳарда митинглар, юришлар ўтказиш, беш кишидан ортиқ группа тўпланиши, махсус рухсатномасиз қурол кўтариб юриш тақиқланади. Бу тадбирлар сикх экстремистларининг ҳуружлари туфайли Деҳлида вазият кескинлашганлиги муносабати билан қабул қилинди.

**● НЬЮ-ЙОРК**

Америкаликларнинг қарийб 40 проценти кейинги вақтда ўзларининг моддий аҳволи ёмонлашган, деб ҳисобламоқда. Жамоат ташкилоти-молиявий планлаштириш миллатлараро уюшмасининг буюртмасига биноан «Рейчмэн рисерч» тадқиқот фирмаси Нью-Йоркда ўтказган савол-жавоб натижалари ана шундан далолат беради.

Сўраб чиқилган кишиларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи келгусидаги ўз моддий аҳволларидан жиддий ташвиш изҳор этдилар.

**● ДУБЛИН**

Ирландия юстиция министри Жерард Коллинз Ирландия полицияси ваколатларини анча кенгайтирадиган қонунни имзолади. Энди «тартиб ўрнатувчилар» исталган кишини ўн бир соат ушлаб туриб, сўроқ қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бунинг учун ўша киши қандайдир жиноят қилишда гумон этилса бас. Юристларнинг фикрича, янги қонун полиция-чилар ҳокимиятни суиистеъмол қилишлари ҳоллари кўпайишига олиб келиши мумкин.

# КОМИССИЯ ТАВСИЯЛАРИ

КОҲИРА. Миср Араб республикаси денгизни муҳофаза қилиш доимий комиссиясининг мажлиси Миср қирғоқ бўйи суви ва территориал сувининг саноат чиқитлари билан бўлғанишига қарши кураш проблемаларига бағишланди. Комиссия аъзолари кўриладиган чора-тадбирлар комплекс планини тасдиқлайдилар. Уларнинг вазифаси мамлакат денгиз қирғоқ бўйи бўлғанишига йўл қўймаслик ва денгиз ҳайвонот ва набототини сақлашга ёрдам беришдан иборатдир. Комиссия тавсиялари Мисрнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш умумдавлат программасига киритилади.

# ВЬЕТНАМ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ ВАКИЛИНИНГ БАЁНОТИ

ХАНОЙ. ХХР ҳарбий-ҳаво кучлари Чионгса (Спратли ороллари) архипелаги районида машқлар ўтказаётгани муносабати билан ВСР ташқи ишлар министрлигининг вакили бу ерда баёнот берди.

ВИА агентлигининг хабарига кўра, ташқи ишлар министрлигининг вакили бу ҳарбий машқларни Вьетнамнинг территориал бутунлигини бузиш деб баҳо берди ва ВСРнинг Хоангс (Парасель) ороллари ва Чионгса суверен ҳуқуқлари борлигини яна бир карра тасдиқлади.

# ТАНСИҚБОЕВ КАРТИНАЛАРИ ПРАГАДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

Прага аҳолиси СССР халқ рассоми, пейзажнинг машҳур устаси Ўрол Тансиқбоев ижоди билан танишади. Ҳаётлигидаёқ «Жонажон ўлка куйчиси» деб таърифланган санъаткорнинг 70 асари Чехословакия пойтахтига жўнатилди. Рассомнинг «Ўзбекистон: ер ва эл» деб аталган бу шахсий кўргазмаси чет элда бу қадар тўлиқ намойиш этилаётган биринчи кўргазмадир. Мўйқалам устаси 1924-1971 йилларда яратган асарлар бу кўргазмада жамланди.

... Кунлардан бир кун рассом «ўз асарларимда мен эркин меҳнатнинг гўзаллиги ва тароватини куйламаслигим мумкин эмас. Чунки мен болалик ва ўсмирлик йилларимда кўп қийинчиликларни бошимдан ўтказганман», деган эди. Ҳақиқатдан ҳам бўёқ ва бошқа рассомлик анжомлари сотиб олиш, борингки, тирикчилик қилиш учун ҳам Ўрол узумзорларда ишлади, боғларда меҳнат қилди, тамаки фабрикасида, вино заводида ишлади. Йигитчанинг бадиий иқтидорини пайқаб, унинг санъатга интилишини рағбатлантирган киши —унинг биринчи устози чех Ярослав Федорович эди. У Ўролга Тошкент бадиий студиясида, сўнгра эса Пенза билим юртида ўқишни маслаҳат берди. Ўзбекистонлик ўспиринниг ана шу билим юртига кириши учун тавсияни халқ маорифи комиссари А. В. Луначарский берган эди. Санъаткор ҳамиша она юрт гўзаллигини куйлашдек ўзининг севимли мавзуига содиқ қолди. Ўрта Осиёда у бормаган, кезиб чиқмаган гўша бўлмаса керак. Олмалиқнинг экскаватор кавлаб ташлаган қорамтир кўкиш замини ҳам, Фарғонадаги боғларнинг бодроқдек шиғил гуллаши ҳам, қорли тоғлардан Чирчиқ шаҳрига оқиб келаётган дарё ҳам, Хумсоннинг ёзги сокин оқшоми ҳам, Угамдаги чоғроқ тоғ қишлоғи ҳам унга илҳом бахш этарди.

«Жонажон Ўзбекистон» пейзажлар туркумидаги шеърият ва романтика уфириб турган асарларга Чехословакия томошабинининг нигоҳи тушади, бу полотнолар учун Тансиқбоев Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотига сазовор бўлган эди. Рассом асарлари Третьяков галереяси, шарқ халқлари санъати музейини безатиб турибди, бу асарлар Тошкент ва Нукус музейларида намойиш этилмоқда. Прагадаги вернисаж учун Ўзбекистоннинг бадиий хазиналари фондидаги картиналар танлаб олинди, мазкур асарлар Тансиқбоев ҳаётлигидаёқ Нью-Йорк, Филадельфия, Париж, Мехико, Деҳли, Дамашқ, Хельсинкида намойиш этилган эди. Булар орасида 1958 йилда Брюсселда ўтказилган халқаро кўргазманинг кумуш медалига сазовор бўлган «Қайроққум ГЭСи тонги» асари ҳам бор.

Ажойиб мўйқалам устаси она юртни кезиб, у билан ҳамнафас бўлиб яшади. Тансиқбоев гўзаллик ахтариб сафарга чиққанида вафот этди. Аммо рассомнинг ўлмас мероси маданиятимиз хазинасидан жой олди. Унинг ибратли сўзлари эндиликда васиятдек жаранглмоқда: «Агар ҳар бир киши меҳнати билан ўзи яшаётган гўшани безашга ўз меҳнатини сарфласа, ер юзи яна ҳам гўзалроқ бўлади».

**Э. ТУХФАТУЛЛИНА,**
**ЎзТАГ мухбири.**



Бобом ўстирган гуллар!

А. Тўраев фотоэтюди

# ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

**ЖАСОРАТЛИ КИШИЛАР**

Тасвирий санъат мухлислари СССР халқлари дўстлиги тарихи музейига келиб, «Ҳамиша сергакликда» деб номланган кўргазмани томоша қилишлари мумкин. Бу маданий тадбирда намойиш этиш учун қўйилган барча картиналар пойтахтимиз музейларида сақланаётган санъат асарларидир. Уларда социалистик мулк ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминловчи совет милиционерларининг образлари акс эттирилган. Картиналарни Ўзбекистон рассомлари ижод қилганлар. Кўргазма эрталаб соат 10 дан кеч соат 18 гача ҳар куни ишлайди.

**ҚИРҒИЗИСТОНЛИК САНЪАТКОРЛАР**


Шу кунларда Қирғизистон давлат рақс ансамблининг коллективи пойтахтимиз томошабинларига маданий хизмат кўрсатмоқда. Қардошларимизнинг гастроли муносабати билан **ансамблнинг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери, Бутуниттифоқ конкурси лауреати Мелис Асилбошев мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди:**

— Бизнинг ансамблимиз гастроли Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган бўлиб, мақсадимиз халқимизнинг санъат намуналарини ўзбек томошабинлари диққатига ҳавола қилишдир. Гастролимиз шу ойнинг охиригача давом этади. Сивец номидаги авиасозлар маданият ва техника саройида концертимиз муваффақият билан ўтди. Бундан ташқари туркистонлик жангчиларга ҳам хизмат кўрсатиш ҳаракатидамиз.

Бу ансамбль 1967 йилда ташкил топган бўлиб, унинг репертуаридан СССР халқларининг ранг-баранг рақслари ўрин олган. Ўзбек томошабинлари диққатига ҳавола қилинаётган номерлар орасида «Қимиз», «Кигиз», «Лола», «Кўбиз» сингари рақслар бор. Бу номерларни ижро этишда Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган артист Казбек Содтинбоев, раққосалардан Зельмира Эркинбаева, Жамила Маосиева, Ойгул Қодирова, Манас Эрбўтаев ва бошқалар бор. Коллективимиз сафида совет рақс санъатининг отаси Моисеевнинг студиясини битириб, ҳозирда муваффақиятли ишлаётган бир қатор санъаткорларимиз борлиги билан фахрланамиз.

**РЕСПУБЛИКА БОШ КЎРГАЗМАСИДА**

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг дам олиш зонаси 20 ва 21 июнь кунлари саломатлик посбонлари, шифокорлар ихтиёрига бериб қўйилади. Бу ерда медицина ходимлари кунига бағишлаб, ўтказиладиган тантанали маросимдан кейин оромгоҳнинг барча хиёбонларида оммавий сайллар, концертлар, шўх ўйинлар авжига чиқади. Медицина ходимларига маданий хизмат кўрсатишда Абдулла Қодирий номли маданият уйи ва Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғининг «Тарона» ансамблари концертлар берадилар.



Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг дам олиш зонаси ҳар куни дам олувчи кишилар билан гавжум ва файзли.

М. Нуриддинов фотоси.

**ИЖОДКОРЛАР ДАВРАСИДА**

Горький номидаги маданият ва истироҳат боғи шанба ва якшанба кунлари Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган «Ижодкорлар даврасида» катта маданий тадбирни ўтказади. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар ва Композиторлар союзларининг аъзолари қатнашиб, юбилей йилида олиб бораётган ижодий ишлари ҳақида гапириб берадилар. Шаҳримиздаги музика ижрочилиги коллективлари ана шу учрашувда ижодкорларнинг ҳамкорликда яратган асарларини ижро этадилар.

Боғ маъмурияти дам олувчиларга завқ бахш этиш мақсадида пойтахт областининг Красногорск шаҳридаги «Чотқол» ансамблини маданий хизмат кўрсатишга таклиф этган. Шундай қилиб икки кун давомида бу масканда бўладиган рангбаранг тадбирлар жуда кўп дам олувчиларни ўз бағрига чорлайди.

**«ДИЛНАВОЗ» ХИЗМАТ ҚИЛАДИ**

Сергели районидаги Чоштепа маданият уйи қошида ишлаб турган «Дилнавоз» ансамбли бадиий ҳаваскорлари ўзларининг ижрочилиги билан томошабинлар ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. Улар район корхоналарида ва муассасаларида кўплаб концертлар беришган. Шанба ва якшанба кунлари ана шу ансамбль районнинг «Коммунистик шанбаликнинг 50 йиллиги» маданият ва истироҳат боғида дам олувчиларга хизмат кўрсатади.

**СЎЛИМ СОҲИЛЛАР БАҒРИДА**

Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюросининг йўлланмасига биноан шаҳримиздаги кўплаб корхона ва муассасаларнинг коллективлари Бўстонликдаги Оқтош ва Чорвоқ оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришади. 20 июнь куни ўтказиладиган бу сафарда Тошкент телевизион маркази, тез медицина ёрдамининг автобазаси, «Ташгеплосеть», Ленин район ошхоналар трести ишчи ва хизматчилари қатнашадилар. Якшанба куни Чорвоқ ва Тошкент денгизига ўтказиладиган сафарда 2-пойафзал, қоғоз фабрикалари, Сергели район алоқа узели, Фрунзе район маориф ходимлари, Киров район ошхоналар трести ишчилари қатнашадилар.

**ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАРГА**

● Абу Али ибн Сино номидаги 1-шаҳар клиник касалхонасининг ходимлари гўзал Фарғона водийсининг Қўқон — Ҳамзаобод шаҳарларини зиёрат қилиш мақсадида сафарга жўнаб кетишди.

● «Ўзбектелефильм» киностудиясининг ишчилари ва хизматчилари Панжикент ва Самарқанд шаҳарларида ижкн кун бўладилар.

● Трактор заводининг ишчилари эса Жиззах ва Самарқанднинг қадимий обидалари ва бугунги жўшқин ҳаёти билан танишадилар.

● Ўзбекистон ССР модий-техника Давлат комитетининг хизматчилари, «Средазкабель» заводининг ишчилари «Ўратепа — Ленинобод» маршрути бўйлаб йўлга чиқдилар.

● Охунбобоев номидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ўқитувчилари ва хизматчилари Фарғона — Ҳамзаобод маршрути бўйлаб саёҳат қиладилар. Республика кўрлар жамиятининг марказий маданият уйи ходимлари эса Қарши — Самарқанд маршрутини танладилар.

**А. ПЎЛАТОВ.**

*Жонажон Ватан бўйлаб*

● **КОМСОМОЛЬСК-АМУР. «Ленанефть-205» янги танкер экипажининг Узоқ Шарқдаги таржиман ҳоли бошланди. Танкер бортига 2,5 минг тоннадан кўп дизель ёқилғи олиб Сахалиндаги Москальво портига биринчи ишчи рейсга жўнаб кетди. Болгариянинг Русе шаҳрида қурилган танкер шимолий денгиз йўли орқали бу ерга келди ва эндиликда «Дарё—денгиз» линияларида қатнаб туради. Бу кема кеч куз ва эрта кўкламда Охотск денгизининг шимолий районларига нефть маҳсулотларини элтиб бера олади.**

● **РОСТОВ-ДОН. Ғалла ўрадиган ва ерга ишлов берадиган машиналар, сут соғадиган ва озуқа тайёрлайдиган линиялар, қайта ишлайдиган қурилмаларнинг «Рассвет» посёлкасида ўтаётган регионал виставка — ярмаркасида замонавий қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг жамики машина-ускуналари кўрсатилмоқда. Виставка қатнашчилари — Шимолий Кавказ, Волгабўйи республикалар, ўлкалари ва областлари, Грузия, Арманистон ва Озарбайжон ССР агросаноат комитетларининг моддий-техника таъминоти хизмати ходимлари янги техника билан танишиб, уни буюришлари, ўз базаларида ўтмаётган машина ва агрегатлар запас қисмлари тўғрисида бир-бирларига маълумот беришлари, уларни улгуржи ва комиссион савдо йўли билан реализация қилишни йўлга қўйишлари мумкин бўлади.**




МОЛДАВИЯ ССР. Республиканинг Флорешт районида халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар кўп мандатли усулда ўтказилмоқда.

Прокопила қишлоғи аҳолиси ва «Путь Ильича» колхози-нинг деҳқонлари сайловларга ўзлари тайёргарлик кўрмоқдалар..

«Путь Ильича» колхозида сайлов кампаниясининг фаоллари сафида ВЛКСМ аъзоси, қишлоқ маданий-соғломлаштириш комплексининг ходими Элеонора Логин (суратда) бор.

Б. Капнин фотоси, ТАСС фотохроникаси.

● **ҚИЗИЛ Тува АССР Монгун-тайга районидаги Карга дарёсининг серўт қайир ерлари бўшаб қолди. Чорвадорлар нодир қуш — тоғ ғози бу ерга уя қуриб, бола очишга ҳалақит бермаслик учун баланд тоғларга кўчиб кетдилар. Орнитологларнинг ҳисобларига кўра, СССРда жами бир неча юзта тоғ ғозлари бор. Мамлакатимизда Тувадан бўлак ерда бу қушларнинг галаси йўқ. Шу регионда заказник барпо этиш мўлжалланган.**

● **ГАРМ (Тожикистон ССР). Бугун тоғдаги Ниширен қишлоғида чойхона очилди. Бу ерларда чойхона ўзига хос ижтимоий-маданий марказ ҳисобланади. Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллари «Қизил чойхоналар»да саводсизликни тугатиш мактабларининг машғулотлари, театрлаштирилган томошалар бўларди. Ҳозирги вақтда ҳар бир қишлоқда клуб ва кутубхоналар бўлишига қарамай, чойхоналар жозиба кучини йўқотган эмас. «Тожикистон 50 йиллиги» совхози янги қурилиш учун зарур материаллар, техника ажратди, уни бутун қишлоқ ҳашар йўли билан қурди. Маҳаллий усталар бинони миллий нақшлар билан безадилар.**

(ТАСС).

*«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг қўшма рейди*

*Илгариги мавзуга кайтамиз*

## ГРАФИККА АМАЛ ҚИЛИШМАЁТИР

Газета-ротация цехида шовқин. Машиналарнинг барабанлари тез айланиб, узун транспортёр лентасларга ҳали бўёғи қуримаган «Оқшом» газеталарини узатмоқда. Бошқа қаватда газета-журнал экспедицияси жойлашган бўлиб, газетхонларга юбориладиган газеталар шу ерда тахланади. Бу ерда ҳамма иш гўё аниқ бажарилаётгандек, «Главпочтамт»нинг шаҳар участкаси вакиллари график бўйича оқшомги газеталарни соат 15 гача алоқа бўлимларига тарқатишлари, ана шундан сўнг тиражнинг маълум қисми областларга берилиши, ундан кейин «Союзпечать»нинг шаҳар агентлиги экспедиторлари иш бошлашлари лозим. Аммо ана шу аниқ графикка тўла амал қилинмасди. Биз экспедиция бўлимига чиққанимизда соат 16 га яқинлашиб қолган бўлишига қарамай алоқачилар 344 тахлам «Оқшом» газеталарини олиб кетишга улгуришмаган эди.

— 143-АТПдан машиналар кечикмоқда, — деб тушунтиради газета саралаш участкасининг бошлиғи Инна Яковлевна Иванова, — кўпинча мўлжалланган вақтда келишмайди. Натижада машинага ортиш учун ҳозирлаб қўйилган газеталар бир чеккага суриб қўйилади. Яна вақт кетказиб бошқа маршрут учун газета тахламларини тайёрлаш керак бўлади.

Областлар учун юбориладиган газеталар ҳам бир чеккага тахлаб қўйилибди. Тартибга биноан бу газеталар фақат... соат 21 дан кейин олиб кетилади. Ўзингиз ўйланг, бу ҳолда газеталарнинг янги сони обуначиларга қачон етиб боради? Ишнинг бундай ташкил этилиши «Союзпечать» киоскаларига юбориладиган тиражларнинг ҳам бир мунча кеч тарқатилишига сабаб бўлмоқда.

— Биз нашриётга вақтлироқ келишга ҳаракат қиламиз, — дейди шаҳар «Союзпечать» агентлигининг газета бўлими бошлиғи Ўткир Акбаров. — Аммо бунинг фойдаси йўқ. 60 тахлам «Вечерка» ва 52 тахлам «Оқшом»ни соат 16 дан кейин олиш одат тусига кириб қолган Ахир бу газеталарни бўлишимиз, машиналарга ортишимиз керак. Яна бир ярим соат мобайнида 21 та айлана маршрут бўйлаб киоскаларга тарқатишимиз, иккита йўналишдаги метро станцияларга ўрнатилган газета автоматларига жойлаштиришимиз керак. Телевизорнинг программаси чиқадиган жума кунлари эса вақтимиз зиқ бўлади, газеталарни саралаш анча вақтни олади.

— Бундан бир неча йил муқаддам, — деб сўзга аралашди «Союзпечать» автотранспорти диспетчери Эргаш Акбаралиев, — «Оқшом»ги газеталарни кундуз куни соат иккида олардик. Киоскаларга ҳам барвақт тарқатиларди. Бугунги кунда газеталарнинг тиражи ошди, аммо...

«Оқшом»нинг етказиб берилиши на «Союзпечать» киоскаларини, на газетхонларни қониқтирмаётир. Биз бунга ўтказилган иккинчи рейдимизда яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

## ПАНД БЕРАЁТГАН БЎҒИН

— Мен 1969 йилдан бери ишлайман, — дейди Энгельс кўчасидаги 80-киоска сотувчиси В. Ҳолмуҳамедова. — Ана шу вақт мобайнида бир нарсага қаттиқ ишонч ҳосил қилдим. Агарда «Оқшом» газеталари соат 16.30 гача олиб келинса, албатта ҳаммаси тарқатилади ва газетхонлар раҳмат айтиб кетишади. Ҳозир олаётган газеталаримиз сони ошган бўлишига қарамасдан соат 7 дан олдин олиб келишмайди.

Қўшни 78-киоскада «Вечерний Ташкент»дан 220 дона, «Тошкент оқшоми»дан 140 дона олишади. Текшириш ўтказилган куни киоскада юзта газета ошиқ чиқди.

— Бу кечаги олиб келинмаганлари, — деб тушунтирмоқчи бўлди Н. И. Сарадовский. — Умуман газеталарни соат 17 дан кейин олиб келишади, Сешанба ва жума кунлари соат еттидан ҳали бўёғи қуримаган «Оқшом» газеталарини олишга мажбур бўлаяпмиз.

Горький проспектидаги 49-киоска сал олдинроқ олади. М. Ниёзова чинни заводи ёнидаги 65-киоскада бир неча йилдан бери ишлайди. У агарда «Оқшом» газеталари смена тугашига олиб келинса бироита ҳам қолмаслигини айтади.

Биз Собир Раҳимов район агентлиги бўйича Баҳодир Аҳмедов билан райондаги 16 та киоскада бўлдик. Ҳар бир киоска олдида бироз туриб қолишга тўғри келди. Сабаби «Оқшом» билан бирга журнал, сигарет, совун, сальфетка ва бошқа буюмлар топширилади.

—Агарда ана шу буюмларнинг ҳафтада икки марта олиб келинишига эришсак жуда яхши бўларди, — дейди Б. Аҳмедов.

Оқилона таклиф. Умумий ишимизни яхшилаш учун нега шундай таклифлардан фойдаланмаслигимиз керак..

# МУАММОНИ КОМПЛЕКС ҲАЛ ЭТАЙЛИК

## БИРИ ИШЛАЙДИ, БОШҚАЛАРИ ДАМ ОЛАДИ

Шу йилнинг февраль ойида ўтказилган рейдимизда («Даврдан ортда қолмоқдалар») киоскалар белгиланган вақтда ишламаётганлиги аниқланган эди. Ана шу борада кандай ўзгаришлар рўй берди?

Рейд бригадаси аъзолари Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ёнида жойлашган 3-киоскада бўлишганида унинг белгиланган вақтдан 45 минут олдин ёпилганлиги гувоҳи бўлишди. Б. Хмельницкий кўчасидаги 11-киоска ёпиқ эди. Шота Руставели кўчасидаги 15-киоскада графикдан 40 минут олдин газеталар сотиш тўхтатилди. Ҳали соат етти бўлмасдан туриб, 7-киоска сотувчиси М. Некталов уйига шошиб қолди.

Текшириш ўтказилган куни белгиланган графикдан олдин ёпилган киоскаларга Киров районидаги 17, 25, 26, Ленин районидаги 1, 2-киоскаларни ҳам мисол келтириш мумкин. Экспедитордан газета олинганидан кейин ярим соат ўтар-ўтмас Собир Раҳимов районидаги 65, 67, 70-киоскалар ёпиқлигини кўрдик. Акмал Икромов районидаги 117, 118-киоска сотувчилари ҳам ишкиоскадир. Сотувчи Р. Соатов олдинлари ҳар ойда 1800 сўмлик савдо қилган бўлса, май ойида 2300 сўмга чиқарибди.

— Марказий ва маҳаллий газеталарни сотмагунча киоскани ёпмайман. Ҳозир «Оқшом» икки баравар кўп тарқаляпти, — дейди у.

Киоскани кўздан кечирар эканмиз, бу ерда бироита эски газета топа олмадик. Бу ўз касбига қизиқиш, унга меҳр оқибатидир. Аммо ҳамма киоскаларда ҳам аҳвол шунақа деб бўлмайди. Рейд ўтказган вақтимизда бир қанча киоскаларда ойлик планнинг бажарилиши хавф остида эканлигининг шоҳиди бўлдик. Уларда ҳали ҳам планларни тамаки маҳсулотлари ҳисобига бажаришни мақсад қилиб қўйишган.

1-Сергели массивидаги 51-киоска 30 та «Вечерний Ташкент» ва шунча «Тошкент оқшоми» олади. Сотувчи Л. Атюшкина газеталар етиб-ортишини айтди. Хўш, бу киоскада план нима ҳисобига тўлдирилаётган экан? «Союзпечать» киоскасини кўздан кечирамиз: у ўзгалик буюмлари магазинининг филиалини эслатади. Сергелидаги 16-квартални жойлашган 39-киоскада Г. Шарафутдинов ҳар ойда 650 сўмлик газета сотади. Бу ерда ойлик план 4 минг 200 сўм. Ҳар куни «Вечерний Ташкент»дан юз дона, «Тошкент оқшоми»дан 30 дона сотилади. Кўриниб турибдики, план тамаки ҳисобига тўлдирилади.

Муқимий кўчасида жойлашган 80-киосканинг ойлик плани 3800 сўм, сотувчи Ҳ. Алимова 500 сўмлик газета сотишини гапириб. Кўпинча сальфетка, открытка, марка, сигаретлар сотишини қўшиб қўйди.

«Оқтепа» бекатидаги 64-киоска. Сотувчи Р. Султонов 150 дона «Оқшом» газеталари олаётганлигини гапириб:

— «Вечерний Ташкент»дан яна қўшимча 50 нусха бўлса кетади, — дейди.

Фарҳод бозори ёнидаги 101-киоска соат 8 дан кейин ҳам харидорлар билан гавжум эди.

— Бизга 80 та «Вечерний Ташкент» ва 50 та «Тошкент оқшоми» олиб келишади, — дейди сотувчи С. Гарцбейн. — Бозорга кўпчилик келади, ярмарка ҳам ён биқинимизда. Агар «Оқшом»дан яна 50 нусха қўшишса ёмон бўлмасди.

Хўш, қачон бу истаклар амалга оширилади?

## КИОСКАЛАР ГАВЖУМ ЖОЙЛАРДА БЎЛСИН

Газеталарнинг яхши сотилишида киоскалар аҳоли гавжум жойларга ўрнатилиши катта роль ўйнайди Бунга мисол тариқасида қуйидаги фактларни келтиришимиз мумкин Сергели районидаги ярмарка яқинига жойлашган 42-киоска хизматчиси шундай дейди:

— Яқинда ёнимиздаги озиқ-овқат магазини ёпилди. Харидорлар камайиб кетди, — дейди А. И. Седова — Агарда киоскамни йўловчилар гавжумроқ ерга олиб бориб ўрнатишса яхши бўларди.

«Геологоразведка» техникуми ҳовлисида жойлашган киосканинг ҳар куни 10 нусҳадан «Оқшом»» газеталарини сотиши кулгили бўлса ҳам ёзишга тўғри келади.

Ана шу киоска 50 метр наридаги бекатга ўрнатилганда эди газетхонлар учун жуда катта қулайлик туғдирилган бўлинарди, — дейишди йўловчилар. — Чунки ён-атрофда «Союзпечать» киоскасининг ўзи йўқ.

Алоқа институти ёнида жойлашган 25-киоскада «Оқшом»ги газеталар мутлақо сотилмайди. Сабаби, унинг иш куни соат 15 да тугайди.

Биз бундай фактларга Октябрь районида ҳам дуч келдик. 70, 85, 87, 83, 84-киоскаларнинг ойлик планларининг ҳар хиллиги ҳам уларнинг нима ҳисобига план тўлдиришаётганлигини яққол кўрсатиб турибди. 7 февралда босилган «Даврдан ортда қолмоқдалар» рейд мақоласида киоскаларни аҳоли гавжум ерларга олиб ўрнатиш ҳақида ёзилганди. Аммо орадан анча вақт ўтганига қарамай бу борада ҳеч қандай ўзгариш рўй бергани йўқ.

Ўтган сафарги рейддан кейин шаҳар «Союзпечать» агентлиги, Ўзбекистон ССР алоқа министрлигининг матбуот тарқатиш бошқармаси редакцияларга бир ой муддат ичида метро станцияларидаги газета автоматларини мунтазам ишлашлиги ҳақида ваъда беришган экан. Қайта текширишлар шуни кўрсатадики, ҳали ҳам кўпчилик автоматлар яхши ишламаётир.

Душанба куни метронинг «Пахтакор» станциясидаги бешта автоматдан биттаси ишлар эди.

— Ҳар доим бўш, — дейди республика стоматология поликлиникасининг тиш врачи Қ. Одилов. — Бу ерда «Вечерний Ташкент»ни на эрталаб, на кечқурун олиш мумкин.

Бундай воқеага метронинг Ленин номидаги станциясида ҳам дуч келинди. Бешта автоматдан биронтаси ҳам ишламаётган эди. Метронинг Горький станцияси эса тўртта автоматдаги «Оқшом» газеталарини йўловчилар олиб бўлишган эди. Бешинчиси ишламасди. Олтинчисида эса икки кунлик «Правда Востока» газетаси кўриниб турарди. Метронинг «Чилонзор» станциясида газета сотадиган автоматлар белгиланган миқдорда ўрнатилган. Ўзбекистон линияси бўйича эса ҳали бунга эришилгани йўқ. Метронинг Ҳ. Олимжон, Пушкин, Октябрь революцияси, СССР 50 йиллиги станцияларидаги газета автоматлари янги келтирилган газеталар билан тўлдирилган эди.

— Февраль ойидаги мухбирлар ўтказган рейддан сўнг, — дейди геолог А. Корчагин, — метронинг «Чилонзор» станциясида газета автоматлари иши анча яхшиланди Бу ерда ҳар куни «Оқшом»ни харид қилиш мумкин.

Бундай сўзни эшитиш мароқли. Бошқа муаммолар ҳам ана шундай ҳал қилинса айни муддао бўларди.

**Рейд бригадаси аъзолари:**
**Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
**С. МАМАЖОНОВ,**
**О. ХАРЧЕНКО,**
**В. ТИТОВ.**

# УЮРМА БОШОҚНИ ЯНЧАДИ

*Фан ва техника янгиликлари*

Харьков авиация институтининг олимлари ҳаракатланадиган деталлари бўлмаган ва ҳаво оқими воситасидан дон тўпонидан ажратиладиган аэродинамик молотилка яратдилар. Синовлар чоғида у бўғдой, жавдари, гречиха, шоли, зиғир, маккажўхори ва тритикале бошоқ ва сўталарини яхшилаб қайта ишлаб берди.

— Физиклар уюрма трубка ҳодисасини 30-йиллардаёқ пайқагандилар, — дейди машина авторларидан бири-техника фанлари кандидати В. Сафонов. — Трубканинг бир учига маълум бурчак ясаб қисилган ҳаво берилса бу ҳаво унинг иккинчи учидан икки оқимга ажралган ҳолда чиқади ва уларнинг температураси ҳар хил бўлади. Масалан, марказдаги температура цельсий ҳисоби билан 50 даража совуқ, деворлар ёнида 100 даража иссиқ бўлади.

Бундай ҳодисага ҳаво зичлигидаги «сакрашлар» сабаб бўлиши аниқланди. Шундай қилиб, уюрма трубкада марказдан қочма куч таъсирида бир мунча зич ва иссиқ оқим трубканинг деворлари сари кетиб, сийракроқ совуқ оқим ўқ яқинида йиғилади. Бунда алоҳида тебранма жараён вужудга келадики, шундан қурилмамизда фойдаландик.

Олим бир боғ бўғдойни одатдаги металл труба орзига келтиради. Вентилятор ҳаво оқими бошоқларни ичкарига тортиб кетди ва бир секунддан сўнг бу ажойиб содда қурилма донни алоҳида, сомонни алоҳида қилиб чиқарди. Бошоқни бундай усул билан янчишда дон заҳаланмайди. Масалан, маккажўхори донининг униб чиқиши ва ўсиш қуввати 100 процентга етади. Бундай молотилка ишлатилганида ҳар қандай об-ҳавода ҳам ҳеч бир нобудгарчиликсиз ўрим-йиғимни олиб бораверишмумкин.

Конструкторлар машинани икки хил вариантда — стационар ва комбайн ҳолида яратишмоқчи. Комбайн — кучли вентилятор билан уюрма труба блокидан иборат ўрнатма агрегатли трактор бўлади. Стационар қурилма эса диаметри бир неча метрли трубадан иборат бўлиб, унда қирқилган бошоқни бир вақтда янчиш ва қуритиш мумкин.

**В. ГАТАШ,**
**ТАСС мухбири,**
**Харьков.**

Сиз бунга нима дейсиз?

# НОМУСИНИ ЎҒИРЛАТГАН ҚИЗ

## ёки виждон азобида битилган бир мактуб хусусида

Бирдан телефон жиринглаб қолди.

— Илтимос, қабулингизга кирай, 5 минутгина вақтингизни оламан. Жуда зарур. Бошқа илож топаолмай мажбур бўлганимдан келдим.

— Майли, ўзингизни таништиринг, кимсиз?

— Айбга буюрманг. Кимлигимни айтаолмайман. Сабабини мени тинглагач тушуниб оласиз. Ҳозирча номусини ўғирлатиб, виждон азобида изтироб чекаётган бир кимса деб айтаверинг.

Ҳайрон бўлиб қабулхонага тушдим. Қоматн бирам келишган, гўё сутга чайиб олингандек оппоқ, қош-кўзлари ўзига ярашган бир нозанин турарди.

— Кечиринг мени, бу мактубни ўзим ёздим. Бу ердаги ҳамма гап рост, — дея қўлимга конверт узатаркан шошганича чиқиб кетаётиб ўгирилиб қаради-да, қўшимча қилди:

— Сизга ўзим телефон қиламан.

Қизнинг бундай ҳаракатларидан ҳайратга тушдим. Хаёлимни йиғиштириб олгач, у қўлимга тутқазиб кетган конвертни очдим.

«Салом, «Тошкент оқшоми» газета редакцияси, деб бошланарди мактуб.

Қалби ўртаниб, икки ўт орасида қолганидан кўзлари жиққа ёшга тўлиб ушбу сатрлар битилганини шундоққина сездим.

...Мен педагогика институтида ўқир ва уни не-не орзу-умидлар билан тугалламоқчи эдим. Биринчи курсни тугатдим. Лекин...

Шу жойда кўзларидан оққан ёш томчилари туфайли сатрлар ёйилиб кетган. Лекин уларни ўқиса бўларди.

...Кунларнинг бирида бир разил, виждонсиз номус ўғрисига дуч келиб қолдим. Кеч бўлиб қолган эди. Бир машина келиб ёнимда тўхтади. Инсоннинг юзига қараб ичидагисини билиб бўлмас экан. Ёшликми, ахмоқликми, билмадим, лекин машинага ўтирганим ва...

Шу ерда қизнинг фарёди эшитилгандек бўлди. Сесканиб кетдим. Атрофга қарадим, ҳеч ким йўқ. Мактубни ўқишда давом этдим.

— Ўз дардим, ўзим билан ўзим овора бўлиб қолдим, бир дақиқа... деб... афсусланаяпман, надомат чекаман, ўз ёғимга ўзим қовуриламан. Виждон азобидан ўзимни қўярга жой топаолмайман. Нега ундай қилдим? Саволга жавоб топаолмасдим. Мудҳиш воқеа менга жуда ёмон таъсир қилди. Тўрт ой касалхонада ётдим. Уйлайвериб, юрак сиқилиш дардига мубтало бўлдим. Институтнинг биринчи курсини амаллаб битирдиму, турли важ-карсонларни баҳона қилиб ҳужжатларни олиб уйга қайтдим. Ҳеч кимга бу ҳақда оғиз очмадим, оғиз оча олмас ҳам эдим. Институтни эплайолмадим, курсдан курсга ўтаолмадим, деб ота-онамни алдадим. Ярим йил вақт ўтиб, ота-онамнинг ихтиёри билан турмушга чиқишга мажбур бўлдим. Тўй бўлди. Оилавий ҳаёт бошланди ва у ширин ўтабошлади. Умр ўртоғим жуда ажойиб инсон экан. Мени жуда ҳурмат қилар, еру кўкка ишонмасди.

Мен билан юз берган даҳшатни биринчи кечасиёқ сезган эдилар албатта, аммо индамас, таъна тоши отмасдилар. Мени ҳайдаб юборишларини ҳар куни кутардим, жуда қийналардим, на еганим, на ичганим татирди. Баъзида ҳақиқатни айтиб виждон азобидан қутулай дердиму, лекин уларни кўрганимда, муомалалари, менга иззат-ҳурматлари олдида жуда ожизлик қилардим.

Кунлар, ойлар ўтди. Шу орада фарзанд кўрдик. Улар аввалгидан ҳам қаттиқроқ ҳурмат қиладиган бўлиб қолдилар. Улар мени қаттиқ севиб қолдилар. Ўғилларини қўлдан қўймас, севинганларидан оламга сиғмай кетардилар. Дунёда гўё улардан бахтли одам йўқдек. Мен эса аксинча, буни кўриб севинш ўрнига азоб чекардим, ўша бир дақиқада ўтиб кетган даҳшатли онларни эслардим. Мнямдан чиқариб ташлай олмасдим. Борган сари виждоним эзилар, юрагим ўртанарди. Дунё кўзимга тор бўлиб кетарди. Аммо ажралиш, болани отасиз қолдириш бундан ҳам азоб ва даҳшатли туюларди. Лекин виждон азоби болам тақдиридан кучлилик қиларди, баъзида. Ана шундай кунларнинг бирида ўғлимни кўтариб ота-онамникига кетиб қолдим...

Виждон азобини кўтаролмаган жувоннинг бу ишидан унинг икала ота-оналари жуда ҳайрон бўлишди. Улар нима гап ўтганини тушунишмас, қандай йўл тутишни асло билишмасди. Эрининг ҳам бошн гаранг эди, чунки хотинини севарди. Хотини ҳам эрини севиб қолганди. Аммо... Уни алдагани учун, унинг севгисига муносиб эмаслиги учун ўзини қиз кечираолмас, руҳан азобланар эди. Бир умр эрини ҳам, ўзини ҳам алдаб яшашни хоҳламасди. Ҳаётдан секин-секин безабошлади. Дунё кўзига тор, қоронғу кўрина бошлади. Номус ўғрилари ҳаётда жуда кўпдай кўринарди кўзига.

...Менинг ширин орзу-умидларим йўлига гов бўлган, ширин ҳаётимга раҳна солган виждонсиз, номус ўғрисидан, бу ишга ўз ихтиёрим билан борганим учун эса ўзимдан ҳам нафратланардим. Лекин ложсиз эдим, тунукун йиғлардим, шўр пешонамдан нолирдим, занфалигимдан ўксирдим.

Эндигина 21 ёшга тўлдим. Онлам билан қўшилиб кетсам, воқеани айтмасдан, бир умр ўзимни кечиролмайман, виждоним азобда бўлади. Агар ажралиб кетсак, бир бегуноҳ норасидани ота меҳридан маҳрум қилган бўламан. Икки ўт орасидаман. Менга оғир, жуда ҳам оғир. Ердам беринг одамлар, нима қилай! Маслаҳатингизга муҳтожман, эй, яхши одамлар!..»

Хат шу ерда тугайди. Унда на адрес бор, на исм-фамилия. Орадан ўн кун вақт ўтди. У телефон қилмади. Ўйлаб-ўйлаб бу мактубни сиз, азиз оқшомхонлар эътиборига ҳавола этишни маъқул кўрдик. Фикр-мулоҳазаларингизни газета орқали номаълум қаҳрамонимизга билдирасиз, деган умиддамиз.

Т. МУҲИДДИНОВ.



Халқлар дўстлиги орденли Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг биноси ўзининг кўркамлиги билан шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

М. Нуриддинов фотоси.

## МОТОЦИКЛЛАР ҚИЙИН ТРАССАЛАРДА

Тошкентлик Георгий Бочкарев мотокўпкураши бўйича Ўзбекистон чемпионатида мутлақ энг яхши натижага эришди. У двигателининг ҳажми 125 куб сантиметрга ча бўлган энг енгил мотоциклда мусобақалашди, жарима очколари жуда ҳам кам. Мусобақа программаси ва шартларига кўра пойга қатнашчилари икки кун мобайнида 472 километрлик қийин трассани босиб ўтишлари керак эди. Синовларга фақат жисмонан пишиқ ва ҳар томонлама тайёргарлик кўрган спортчигина дош бера олади. Г. Бочкаревда ана шу сифатларнинг барчаси бор эди. Шуниси қизиқарлики, республика спорт-техника клуби-нинг методист — инструктори бундан сал олдин кроссчилар-нинг Олмаотада ўтказилган бутуниттифоқ зонал мусобақасида ҳам муваффақиятли қатнашган эди. Мотоцикл кўпкураши бўйича Ўзбекистон чемпиони унвонига эга бўлиши спортчининг юксак спорт маҳоратига эга эканлигини яна бир бор кўрсатди.

(ЎзТАГ мухбири).

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

### Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 19/VI да **Олтин девор**, 20/VI да **Юлдузли тунлар**, 21/VI да **Зебуннисо**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/VI да **Ёшликда берган кўнгил**, 21/VI да **Тоҳир ва Зуҳра**.

### Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—«Варшава» цирки артистларининг гастролларн (18, 20.30).

### Кино

**19 ИЮНДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«КУРЬЕР» — **Москва** (тоқ соатларда, 20.40 да), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«ЮЗМА-ЮЗ»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (21.30).

«ИНТЕРВЬЮ ОЛГАН КИШИ» — **ЎзССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда).

«ЯГУАР» — **Ғ. Ғулом номли** (17, 20.00).

«НОЕБ ЗОТ» — **Восток** (жуфт соатларда).

«ПОЛИЦИЯ КОМИССАРИ ҚОРАЛАЙДИ» — **Ватан** (16, 20.00).

«СОФДИЛ» — **Ватан** (18, 21.30).

«ҚЎЛГА ОЛИШ» — **Дружба** (тоқ соатларда).

«МАҲФИЙ ЭЛЧИ»— **Дружба** (18, 20.30).

«УЧ БЎЙДОҚ ВА ЧАҚАЛОҚ» — **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда).

«СИРТҚИ»— **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда), **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда).

«БОРИС I» —**Лисунов номли** (17, 20.00).

«ХАТАР АЛОМАТИ» — **Искра** (17.30, 20.00).

«ҚИЁФАДОШ» — **Искра** (16.00).

«ЭРИЁТГАН БУЛУТЛАР» — **Чайка** (18, 20.00), **Нукус** (18, 20.00), **Москва** (16, 20.00), **Ватан** (16, 20.45), **Санъат саройн** (16, 18.30, 20.45).

**20 ИЮНДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«КУРЬЕР»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 20.00 да).

«ЮЗМА-ЮЗ»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (21.30).

«ХОТИРЛАШ» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (11, 15, 19.00).

«ЯГУАР» — **Ғ. Ғулом номли** (14, 17, 20.00).

«НОЕБ ЗОТ» —**Восток** (жуфт соатларда).

«ЎТМИШНИНГ АҲАМИЯТИ ЙЎҚ»— **Ватан** (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да).

«ҚЎЛГА ОЛИШ» — **Дружба** (тоқ соатларда), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда).

«МАҲФИЙ ЭЛЧИ» — **Дружба** (12, 15, 18, 20.30), **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00).

«УЧ БЎЙДОҚ ВА ЧАҚАЛОҚ» — **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда).

«СИРТАКИ» — **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда).

«ХАТАР АЛОМАТИ»— **Искра** (17.30, 20.00).

«ҚИЁФАДОШ» — **Искра** (12, 14, 16.00).

«ЭРИЁТГАН БУЛУТЛАР» — **Чайка** (11.30, 14, 18, 20.00), **Нукус** (11.30, 14, 18, 20.00), **Москва** (10.30, 16, 20.00), **Ватан** (16, 20.45), **Санъат саройн** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

«ҚИСҚА УЧРАШУВЛАР» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (13, 17, 21.00).


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**КОНКУРСГА МАРҲАМАТ!**

27 ИЮНЬ КУНИ ТЕЛЬМАН НОМИДАГИ БОҒДА ХОМСУРПДАН ТИКИЛГАН ЭНГ ЯХШИ ЛИБОСЛАР ВА УНИ ЯСАТИШДА ХОМСУРПДАН БИЛАҒОНЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНГАНЛИГИ УЧУН КОНКУРСИ ЎТКАЗИЛАДИ.

**КОНКУРС МОДЕЛЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ:**

— тақдим этилган намуна замонавий мода йўналишларига мувофиқ бўлиши;

— ўзига хос кўркам қиёфада яратилиши;

— кийим модели ёки хона ички жиҳозлари (пардалар, сочиқлар, дастурхонлар, ёпқичлар, чойшаблар ва ҳоказо)да миллий руҳ акс эттирилиши;

— безатишнинг турли усуллари (кашта, бурма, тўр кабилар)дан фойдаланилиши;

— тақдим этилаётган модель республика тикувчилик корхоналарида оммавий ишлаб чиқариш учун тавсия этиш имкониятига эга бўлиши лозим.

**Конкурсда иштирок этишга аҳд қилганларнинг ҳаммасидан бу ҳақда 1987 йил 20 июнгача қуйидаги адресга мурожаат қилишларини сўраймиз:** Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 6-уй, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо Бош бошқармаси, ташкилий бўлим.

Хатда фамилиянгиз, исмшарифингиз, жинсингиз, ёшингиз, конкурсга тақдим этиладиган буюмнинг номи, иш ёки ўқиш жойингиз, уй адресингиз кўрсатилиши шарт.

ФОТОЛАВҲАЛАР ВА МУКОФОТЛАР КУТМОҚДА.

**ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.**

**«МЕБЕЛЬ» ФИРМАЛИ МАГАЗИНИ ЧОРЛАЙДИ**

БУ ЕРДА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

ётоқхона учун «Тонг», «Иволга» мебель термаларини;

«Матильда», «Сирень», «Ульбинка», «Грези» юмшоқ мебель термаларини;

«Салют», «Онега У-20», «Слава», «Нео» корпусли мебель термаларини;

кўйлак ва ич кийимлар, идиш-товоқлар, китоблар сақланадиган йўлакка қўйиладиган шкафларни, бир-икки ўринли катталарнинг ва болаларнинг кроватларини, кресло-кроватларни, овқатланиладиган, ёзув ва журнал столларини, стулларни.

Уларни Ўзбекистон ССР Мебель саноати министрлигининг корхоналари ишлаб чиқарган.

**Магазин адреси:** Юнусобод массиви, 8-квартал, 39-уй.

Иш вақти соат 10 дан 19.00 гача. Дам олиш куни —душанба.

8, 24, 51, 60, 72, 82, 91-автобуслар; 25, 28, 29-трамвайларда «Колхоз бозори» бекатигача борилади.

**Маълумот олиш учун телефон 24-87-45.**

**«МЕБЕЛЬ» фирмали магазини.**

**«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.**

## КИЧКИНТОЙЛАРНИНГ СОДИҚ ДЎСТЛАРИ

**Ранг-баранг ўйинчоқлар болаларнинг чинакам овунчоғидир.**

Кичкинтойлар қўғирчоқлар билан биргаликда гўё: ош пиширишади, сомса ёпишади, кашта тикишади ёки кир ювишади — хуллас ўй юмушларини ўрганишади.

Хонаки ҳайвонот боғини ҳам яратиш мумкин. У ерда даҳшатли шер ва шўх маймунча, олачипор хўроз ва содиқ кучукча, игна пўстинли типратикан ва сипо тошбақа иноқ яшайверади...



«ТАШКУЛЬТТОРГ»

**«Ташкультторг» магазинлари «Ташигрушка» фабрикасида ишлаб чиқарилган юмшоқ ўйинчоқларни харидорларга таклиф этади.**

**«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.**

## ТЎРТ ОЙДА КАСБ ЎРГАНАСИЗ

ОКТЯБРЬ РАЙПИШЧЕТОРГИНИНГ
25-МАКТАБ-МАГАЗИНИ
**16-25 ЁШЛИ ҚИЗЛАРНИ**

## ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚИЗЛАР АТИГИ 4 ОЙ МОБАЙНИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ КИЧИК СОТУВЧИСИ КАСБИНИ ЭГАЛЛАЙДИЛАР.

**Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.**

**Ўқишга кирувчилар 8 ёки 10-синф ҳажмида маълумотли, Тошкент шаҳрида доимий прописка бўлишлари керак.**

БИТИРГАНЛАРГА ОКТЯБРЬ РАЙПИШЧЕТОРГИ МАГАЗИНЛАРИДАН ИШ БЕРИЛАДИ.

**Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак:** райпишчеторг директори номига ариза, паспорт ёки туғилиш гувоҳномаси, аттестат ёки маълумоти ҳақида справка, 3 дона фотосурат (3х4 см.), меҳнат дафтарчаси, сўнгги иш жойидан характеристика.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Маълумотлар олиш учун адрес: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги майдони, 4-«а» ва 4-«б» уйлар. Телефон — 44-28-62.

7, 11, 27, 56, 59-автобусларда ва метрода «Халқлар дўстлиги» станциясн» бекатигача борилади.

**ОКТЯБРЬ РАЙПИШЧЕТОРГИ.**

**«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.**



## КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ШАҲРИМИЗДА ЯНГИ 5-«КИТОБ АЛМАШУВ» ИХТИСОСЛАШГАН ТАЖРИБА БУКИНИСТИК МАГАЗИНИ ОЧИЛГАН.

**Харидорлар мақсадли, келишувли, эркин, абонементли ва рўйхатлар бўйича китоб алмашув турлари хизматидан фойдаланишлари мумкин. Китоб алмашув шартлари билан магазинда танишиш мумкин.**

МАГАЗИН АҲОЛИДАН БАДИИЙ ВА СПРАВКА АДАБИЁТЛАРИНИ КАТАЛОГ-ПРЕЙСКУРАНТГА КЎРА ЯНГИ БАҲОЛАРДА СОТИБ ОЛАДИ.

**ҚУЙИДА АЙРИМ НАШРЛАР РЎЙХАТИ ВА УЛАРНИНГ ЯНГИ НАРХЛАРИНИ**

(баҳолар 20 процент чегирилмай берилган)

**МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:**

**А. АВДЕЕНКО.** Асарлар тўплами. 3 томлик. М., Художественная литература, 1980-1982 йй. Баҳоси—15 сўм.

**ИБН СИНО.** Асарлар. 5 томлик. Тошкент ш., Фан 1979-1982 йй. Баҳоси — 60 сўм.

**А. С. АЛЕКСИН.** Асарлар тўплами. 3 томлик М., Детская литература, 1979-1982 йй. Баҳоси— 10 сўм.

**В. АСТАФЬЕВ.** Асарлар тўпламн. 3 томлик. М., Молодая гвардия, 1979-1981 йй. Баҳоси — 20 сўм.

**А. АҲМАТОВА.** Шеърлар. Л., Советский писатель, 1976—1977 йй. Баҳоси — 25 сўм.

**Д. БАЙРОН.** Асарлар тўплами. 4 томлик. М., Правда, 1981 й. Баҳоси — 25 сўм.

**О. БАЛЬЗАК.** Асарлар тўплами. 15 томлик. М., Гослитиздат, 1951-1955 йй. Баҳоси — 150 сўм.

**О. БАЛЬЗАК.** Асарлар тўплами. 24 томлик. М., Правда, 1969-1961 йй. Баҳоси — 150 сўм.

**К. БАЛЬИОНТ.** Шеърлар. Л., Советский писатель, 1969 й. Баҳоси — 25 сўм.

**А. БЕНУА.** Менинг эсдаликларим. 5 жилдда. М., Наука, 1980 й. Баҳоси — 40 сўм.

**КАТТА СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ.** 30 томлик. М., Советская энциклопедия. 1970-1978 йй. Баҳоси — 250 сўм.

**М. БУЛГАКОВ.** Танланган асарлар М., Художественная литература, 1973-1980 йй. Баҳоси 25 сўм.

**Г. ГЕЙНЕ.** Асарлар тўпламн. 6 томлик. М., Художественная литература, 1980-1983 йй. Баҳоси — 30 сўм.

**Ю. ГЕРМАН.** Асарлар тўплами. 6 томлик. М., Художественная литература, 1975-1977 йй. Баҳоси—45 сўм.

**В. ГЕТЕ.** Асарлар тўплами. 10 томлик. М., Художественная литература. 1975-1989 йй. Баҳоси — 50 сўм.

**БОЛАЛАР ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ.** 12 томлик. М., Педагогика, 1972-1978 йй. Баҳоси — 100 сўм.

**Ф. ДОСТОЕВСКИЙ.** Асарлар тўплами. 12 томлик. М., Правда, 1982 й. Баҳоси— 60 сўм.

**М. ЗОШЧЕНКО.** Танланган асарлар. 2 томлик. Л., Художественная литература, 1982 й.Баҳоси — 20 сўм.

**В. КЛЮЧЕВСКИЙ.** Асарлар. 8 томлик. М., Гослитиздат, 1957-1960 йй. Баҳоси — 100 сўм.

**Ф. КУПЕР.** Асарлар тўплами. 6 томлик. М., Детская литература, 1961-1964 йй. Баҳоси — 125 сўм.

**Ф. КУПЕР.** Асарлар тўплами. 7 томлик. М., Правда, 1982 й. Баҳоси — 75 сўм.

**О. МАНДЕЛЬШТАМ.** Шеърлар. Л., Советский писатель (Шоир кутубхонаси). 1983 йилда чоп этилган барча нашрлар. Баҳоси — 25 сўм.

**А. С. ПУШКИН.** Асарлар тўпламн. 10 томлик. Л., Наука, 1977-1979 йй. Баҳоси — 50 сўм.

**И. СЕВЕРЯНИН.** Шеърлар Л., Советский писатель, 1976 й. (Шоир кутубхонаси). 1983 йилда чоп этилган барча нашрлар. Баҳоси — 10 сўм.

**А. СТЕНДАЛЬ.** Асарлар тўплами. 12 томлик. М., Правда, 1978 й. Баҳоси — 75 сўм.

**Р. СТИВЕНСОН.** Асарлар тўпламн, 15 томлик. М., Правда, 1981 й. Баҳоси— 45 сўм.

**М. ТВЕН.** Асарлар тўпламн. 8 томлик М., Правда, 1980 й. Баҳоси — 60 сўм.

**Э. ХЕМИНГУЭЙ.** Асарлар тўпламн. 4 томлик. М., Художественная литература...

**В. ШИШКОВ.** Асарлар тўпламн. 8 томлик. М., Правда, 1983 й. Баҳоси — 40 сўм.

**Б. ШОУ.** Пьесалар тўплами. 6 томлик. М., Искусство, 1978-1981 йй. Баҳоси — 45 сўм.

**И. ЭРЕНБУРГ.** Асарлар тўпламн. 9 томлик. М., Советский писатель 1963-1967 йй. Баҳоси — 100 сўм.

КИТОБ АЛМАШУВНИНГ БАЪЗИ БИР ТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА СИЗ КИТОБЛАРНИ ТОПШИРИБГИНА ҚОЛМАЙ, УЛАРНИ УЗИНГИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН БОШҚА НАШРЛАРГА АЛМАШТИРИШИНГИЗ ҲАМ МУМКИН.

**МАГАЗИНГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!**

Адрес: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 8-уй (метронинг — «Халқлар дўстлиги» станцияси).

**Магазин — соат 11 дан 19.00 гача очиқ.**

**Дам олиш куни — якшанба.**

**„ЭЛЕКТРОНИКА"**

**ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**
ТОШКЕНТ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМАЛИ
МАГАЗИН-САЛОНИ

**овоз программаларини рўзғор радиоэлектрон аппаратураси комплексида юқори сифатли қайта эшиттириш учун мўлжалланган**

**ҚУЙИДАГИ АКУСТИКА СИСТЕМАЛАРИНИ СОТУВГА ЧИҚАРАДИ:**

«ЭЛЕКТРОНИКА-35АС-015» (Баҳоси — 160 сўм).

**Асосий техник характеристикаси:**

— номинал эл. қуввати: 35 вт.

— қайта эшиттириш частоталари диапазони 25 — 25000 Гц.

«ЭЛЕКТРОНИКА-15АС-214» (Баҳоси 75 сўм).

**Асосий техник характеристикаси:**

— номинал эл. қуввати: 15 вт.

— қайта эшиттириш частоталари диапазони 25 — 25000 Гц.

«ЭЛЕКТРОНИКА-100АС-063» (Н—Е категорияда)..

**Асосий техник характеристикаси:**

— қайта эшиттириш частоталари диапазони 25 — 25000 Гц.

—номинал эл. қуввати — 100 вт.

(Баҳоси — 520 сўм).

**Бизнинг адрес:** 700000, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй. Телефон 33-89-12.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

**ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

«ТАШТЕКСТИЛЬМАШ» ЗАВОДИГА

**токарлар, фрезерчилар, слесарлар, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг операторлари, қуювчилар, электр монтёрлари;**

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»

**«ТАШИНЖСТРОЙ» трестининг**

10-ИХТИСОСЛАШГАН БОШҚАРМАСИГА

**бетончилар, арматурачилар, труба ётқизувчи машиналарнинг машинистларини;**

ОКТЯБРЬ РАЙОН МАҲАЛЛИЙ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

**европача кўргазма бўйича кашта тикувчиларни;**

ЧИЛОНЗОР РАЙОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

**механика-йиғув ишлари слесарлари, токарлар, фрезерчилар, радио монтажчилар, радио аппаратураларининг регулировкачиларини;**

ЛЕНИН РАЙОН ТАШКИЛОТЛАРИГА

**бош механикни;**

КИРОВ РАЙОН ТАШКИЛОТЛАРИГА

**канцелярия мудири** (машинкада ёзишни билиши шарт), **лаборантларни.**

**СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:**

**Марказий пункт** — Пролетар кўчаси, 4-уй;
**Ленин район пункти**—Т. Шевченко кўчаси, 64-уй;
**Октябрь район пункти** — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;
**Чилонзор район пункти** — 2-квартал, 3-уй;
**Ҳамза район пункти** — Ҳасанова кўчаси, 10-уй;
**Куйбишев район пункти** — К. Маркс кўчаси, 59-уй;
**Киров район пункти** — Энгельс кўчаси, 48-уй;
**Собир Раҳимов район пункти** — Қорасарой кўчаси, 270-уй;
**Акмал Икромов район пункти** — Фарҳод кўчаси, 21-уй;
**Сергели район пункти** — Спутник, 2-квартал, 69-уй;
**Фрунзе район пункти** — Ш. Руставели кўчаси, 87-уй.

**Ўқишга қабул қилинганлар шаҳар электр транспортида бепул қатнайдилар.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 28-уй (8, 1, 10-троллейбуслар; 4, 13, 28-трамвайларнинг «Коммунарлар хиёбони» бекати).

**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг**

АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ

**вакант вазифага**

**КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Астрофизика ихтисоси бўйича **кичик илмий ходим.**

Конкурс муддати — 26 июнгача.

Адрес: 700052, Тошкент шаҳри, Астрономия кўчаси, 33-уй.

**Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг**

**Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг**

1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

**ТРОЛЛЕЙБУС МАШИНАЛАРИ ҲАЙДОВЧИЛАРИ КУРСИГА**

**ҚАБУЛ ЎТКАЗМОҚДА**

**Машғулотлар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда — группаларнинг комплектланишига қараб олиб борилади.**

**ЎҚИШ МУДДАТИ—6 ОЙ. ОЙИГА 70 СЎМ СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.**

**Ўқишга қабул қилинганлар шаҳар электр транспортида бепул қатнайдилар.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 28-уй (8, 1, 10-троллейбуслар; 4, 13, 28-трамвайларнинг «Коммунарлар хиёбони» бекати).



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р—08817. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 18.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Тиражи — 75.131. Б. 2152. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.